



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОЙ
ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШГА
ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ**

Тўплами



СБОРНИК

**ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ АКТОВ
ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ ЛЕГАЛИЗАЦИИ
ДОХОДОВ, ПОЛУЧЕННЫХ ОТ ПРЕСТУПНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, И ФИНАНСИРОВАНИЮ
ТЕРРОРИЗМА В КРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2013

67.404.2(59) - Матбурий ҳуқуқ
347.4/5 - Ҷазбавий ҳуқуқ

Тўплам Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан тайёрланган

Сборник подготовлен
Центральным банком Республики Узбекистан

Ю 42274
291

ISBN 978-9943-28-047-2

2014/16	Alist. Davoiy
A	№ 1291
1291	O'zbekiston MK

© «O'ZBEKISTON» HMIY, 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ
ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ
МОЛИЯЛАНТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШГА
ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ



МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, <i>1995 йил 21 декабрь, 154-I-сон</i>	7
Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, <i>1996 йил 25 апрель, 216-I-сон</i>	32
Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонуни, <i>2003 йил 30 август, 530-II-сон</i>	51
Ўзбекистон Республикасининг «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, <i>2004 йил 26 август, 660-II-сон</i>	58
Ўзбекистон Республикасининг «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, <i>2009 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-223-сон</i>	70
Тижорат банкларида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари <i>(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 21 ноябрда 2528-сон билан рўйхатдан ўтказилган)</i>	81
Нобанк кредит ташкилотларида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари <i>(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда 2027-сон билан рўйхатдан ўтказилган)</i>	124

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга
ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга
оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун
тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга
нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида Низом
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан
2010 йил 13 январда 2063-сон билан рўйхатга олинган) 155

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

1995 йил 21 декабрь, 154-I-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАРКАЗИЙ БАНКИ ТЎҒРИСИДА

*(Мазкур Қонунга 1998 йил 29 августдаги 681-I-сон,
1999 йил 15 апрелдаги 772-I-сон, 2000 йил 15 декабрдаги
175-II-сон, 2002 йил 13 декабрдаги 447-II-сон,
2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон, 2006 йил 20 сентябрдаги
ЎРҚ-54-сон, 2007 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-138-сон,
2009 йил 7 апрелдаги ЎРҚ-206-сон, 2009 йил
9 сентябрдаги ЎРҚ-216-сон, 2009 йил 22 сентябрдаги
ЎРҚ-223-сон, 2009 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-238-сон,
2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-321-сон ва 2012 йил 29 декабрдаги
ЎРҚ-345-сон қонунларига мувофиқ ўзгартириш
ва қўшимчалар киритилган)*

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ҳуқуқий мақоми

Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкидир.

Марказий банк – ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иктисодий жиҳатдан мустақил муассасадир.

Марказий банк ва унинг муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига эга.

2-модда. Мол-мулки

Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликларидан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Марказий банк балансида акс эттирилади.

Марказий банк ўз балансида акс эттирилган мол-муллка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилишга ҳақли.

3-модда. Бош мақсади ва асосий вазифалари

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Асосий вазифалари:

монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизimini ташкил этиш ва таъминлаш;

банклар, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюрolari фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюрolarини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

4-модда. Марказий банк учун тақиқланган фаолият турлари

Марказий банк:

молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланишга;

тижорат фаолияти билан шуғулланишга;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкнинг, «Микрокредит-банк» акциядорлик тижорат банкнинг, шунингдек Марказий банк фаолият юритишини таъминловчи корхоналар ва ташки-

лотларнинг капиталларида иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида қатнашишга ҳақли эмас.

5-модда. Ҳисобдорлик

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдордир. Олий Мажлисининг Сенати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

йиллик ҳисоботни, шунингдек аудиторнинг хулосасини кўриб чиқади.

Марказий банк пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида ҳар йили матбуотда маъруза эълон қилади.

6-модда. Марказий банкнинг мустақиллиги

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир.

Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, башарти, улар ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки қонунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса.

7-модда. Норматив ҳужжатлар

Марказий банк ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар ижро этиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқаради.

Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.

8-модда. Ташкилий тузилиши

Марказий банк ягона марказлаштирилган бошқарув тизимидир.

Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тегишли хизматлар ва муассасалар ташкил этади.

Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти, вилоятларнинг марказлари ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бош бошқармалар тузади.

Марказий банкка қарашли хизматлар ва муассасалар Марказий банк Бошқаруви (бундан буён матнда – Бошқарув) тасдиқлайдиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

9-м о д д а. Ташқи иқтисодий фаолият

Марказий банк:

бошқа давлатларнинг марказий банклари, халқаро банклар ва ўзга молия-кредит муассасаларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилишга;

молия операциялари бажаришга, шу жумладан чет эл ҳукуматлари, чет эл марказий банклари ва пул-кредитни тартибга солиш органларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ташкилотларга банк хизмати кўрсатишга;

хорижий давлатларда ваколатхоналар очишга;

Ўзбекистон Республикасида чет эл банкларининг ваколатхоналарини аккредитация қилишга ҳақлидир.

Марказий банкнинг бошқа давлатлар банклари ва кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек банклараро битимларга мувофиқ амалга оширилади.

II. БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ

10-м о д д а. Марказий банкнинг устав капитали

Марказий банкнинг устав капитали миқдори икки миллиард сўмдан иборат. Устав капитали миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига мувофиқ оширилади.

Марказий банкнинг устав капитали бошқа шахсларга берилиши ёки ундан зақалат сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

11-модда. **Фойдани аниқлаш ва тақсимлаш**

Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун: ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари шакллантирилгандан сўнг;

умумий қабул қилинган бухгалтерлик амалиётига мувофиқ амалда барча даромадлар ва чиқимлар ҳисобланганидан, шунингдек активлар ва пасивлар баҳоланганидан сўнг аниқланади.

Марказий банкнинг чет эл валютаси курсининг ёки қимматбаҳо металллар қийматининг ўзгариши натижасида олтин-валюта резервларини қайта баҳолашдан ҳосил бўладиган реализация қилинмаган даромадлари ва харажатлари олтин-валюта резервларига оид операциялар бўйича қайта баҳолаш фондига киради.

Марказий банкнинг фойдаси Бошқарув белгиллаган тартибда, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда тақсимланади.

Бошқарувнинг қарорига мувофиқ аниқ мақсадли турли резервлар ва фондлар шакллантирилиши мумкин.

Аниқ мақсадга йўналтирилган резервлар ва фондлар белгиланган тартибда тўлдирилганидан кейин фойданинг қолган қисми республика бюджети даромадига йўналтирилади.

Йиллик ҳисобот кўриб чиқилмагунча фойданинг республика бюджетига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-138-сон Қонунига мувофиқ 12-модда чиқариб ташланган.

13-модда. **Ҳисобот бериш**

Марказий банкнинг ҳисобот даври 1 январь – 31 декабрь қилиб белгиланади. Йиллик ҳисобот 15 майдан кечиктирилмай Олий Мажлис Сенати кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

14-модда. **Марказий банкда аудиторлик текшируви**

Марказий банкда аудиторлик текшируви мустақил аудитор ташкилотлар томонидан ҳар йили ўтказилади.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИ БОШҚАРИШ

15-модда. Марказий банк Бошқаруви

Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради.

16-модда. Бошқарув таркиби

Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киради.

Марказий банк Раиси Бошқарувнинг Раиси ҳисобланади. Бошқарув аъзоларини (Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бундан мустасно) Марказий банк Раисининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши тасдиқлайди.

17-модда. Бошқарувнинг ваколатлари

Бошқарув қуйидаги ваколатларга эга:

монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумладан, Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари нормасини белгилайди;

Марказий банкнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди;

Марказий банкнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал қилади;

банкнотлар ва тангаларнинг номинал киймати ва намуналарини, шунингдек пул белгиларини муомаладан чиқариш шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди;

банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар учун иқтисодий нормативларни ҳамда банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар учун молиявий ва касса операцияла-

рини ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритиш қоидаларини тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилишини кўриб чиқади;

банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюрolari фаолияти, шунингдек қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқариш лицензияланишини амалга оширади;

Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;

Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади;

Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди;

Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди;

Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди;

Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

18-м о д д а. Бошқарувнинг мажлислари

Бошқарувнинг мажлислари ойига камида бир марта ўтказиб турилади.

Бошқарув мажлисларини Марказий банк Раиси чакиради. Мажлислар, шунингдек Бошқарувнинг камида учта аъзосининг талабномаси бўйича чакирилиши мумкин.

Бошқарув мажлисларига Марказий банк Раиси, у бўлмаган пайтларда эса, ўринбосарларидан бири раислик қилади.

Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган Бошқарув мажлиси ҳақиқий ҳисобланади. Бошқарув қарорлари қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келган тақдирда Марказий банк Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув мажлислари, қоида тариқасида, ёпик тарзда ўтади.

19-м о д д а. Бошқарувнинг қарори

Бошқарувнинг тўхтами қарор шаклида қабул қилинади.

20-м о д д а. Марказий банк Раиси

Марказий банк Раиси:

Марказий банк ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгар бўлади;

Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қилади, ушбу Қонунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

Олий Мажлисида, ҳукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, халқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарларига, ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади.

Марказий банк Раисининг ваколат муддати – беш йил.

Марказий банк Раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

21-модда. Марказий банк Раисини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш учун асослар

Марказий банк Раиси қуйидаги асослар бўйича:

ваколат муддати тугаганида;

истеъфога чиқишни сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;

жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганда;

ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хулосаси асосида;

эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилганида, шу жумладан, ушбу Қонунни қўпол равишда бузганида ва Марказий банк манфаатларига катта зарар етказганида эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Марказий банк Раиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

22-модда. Марказий банк Раисининг ўринбосарлари

Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

IV. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

23-модда. Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари

Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан камида ўттиз кун олдин Олий Мажлиснинг Сенатига бу ҳақда ахборот беради.

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари:

иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини;

муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини;

пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан, Марказий банк ички активларининг ўзгаришини;

валюта ҳамда фойз сиёсатининг асосий йўналишларини;

пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олиши лозим.

24-м о д д а. Монетар кўрсаткичлар ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжаллари

Марказий банк Ўзбекистон Республикасидаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатлари ҳолатидан келиб чиқиб, битта ёки бир қанча монетар кўрсаткичлар ўзгаришларининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин.

25-м о д д а. Очик бозордаги операциялар

Марказий банк давлатнинг қимматли қоғозлари, шунингдек Марказий банкнинг ўзи чиқарган қарз мажбуриятларини харид қилиши ва очик бозорда сотиши мумкин.

Марказий банк ҳар қандай даражадаги бюджетларни молиявий таъминлаш учун очик бозордаги операциялардан фойдаланиши, шунингдек давлат қимматли қоғозлари бирламчи жойлаштирилганда уларни сотиб олиши мумкин эмас.

Очик бозордаги операциялар лимитини бошқарув тасдиқлайди.

26-м о д д а. Марказий банкнинг ҳисоб операциялари

Марказий банк қиймати тўланишини банклар кафолатлаган қисқа муддатли хазина векселлари, шунингдек тижорат векселлари ҳисобини юритиши мумкин.

Ҳисоб операцияларини ўтказиш шартларини, шу жумладан, ҳисоб ставкаси миқдорларини Марказий банк белгилайди.

27-м о д д а. Марказий банк операциялари бўйича фойз ставкалари

Марказий банк ўз операциялари бўйича фоиз ставкаларини мустакил белгилайди.

28-модда. Мажбурий резерв талаблари

Марказий банк ўзи белгилаган энг кам миқдорда резервлар сақлаш тўғрисида банкларга кўрсатма беради. Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларнинг энг кам миқдори Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланиб, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддатига, банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлиқ бўлади. Мажбурий резервларнинг миқдорлари жалб этилган маблағлар ва омонатларнинг ҳар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир хилдир.

Мажбурий резервлар Марказий банкда нақд пул ёки омонатлар кўринишида, Марказий банк белгиладиган тартибда депозитга ўтказилади.

Мажбурий резерв талабларининг нормативлари ёки таркиби белгилангани, ёки ўзгартирилгани тўғрисидаги кўрсатмаларда камида бир ойлик муддат кўрсатилади, резервларнинг таркиби ёки миқдорига доир янги нормативларни банклар ана шу муддатгача бажаришлари шарт.


Марказий банк мажбурий резервлар бўйича фоизларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

29-модда. Мажбурий резерв талаблари нормасини бажармаганлик учун санкциялар

Банк мажбурий резерв талабларининг энг кам миқдорини сақлаб туриш тўғрисидаги 28-модда қоидаларини бажармаган тақдирда Марказий банк катъий тартибда бу банкдан етишмаётган маблағ суммасини, шунингдек қайта молиявий таъминлашнинг икки ставкасидан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади.

30-модда. Марказий банкнинг банкларни қайта молиявий таъминлаши

Марказий банк ўзи белгилаган шартларда банкларга кредит беришга ҳақли, бунда қуйидаги активлар гаровга қўйилиши мумкин:



олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;

давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат қафолатлаган бошқа қарз воситалари;

Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарий-си учун мақбул бўлган, харид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган ёки Марказий банк улар билан ушбу Қонун доирасида бошқа хил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар;

тўланишига банклар қафолат берган тижорат векселлари.

Марказий банк ўзининг қайта молиявий таъминлаш тизимида банкларнинг иштирок этиш шартларини эълон қилади.

31-м о д д а. Марказий банкнинг миждозларга хизмат кўрсатиши

Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-да ва шартларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, шунингдек Марказий банкка қарашли қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг асосий ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларини амалга ошириши мумкин.

V. ПУЛ ТИЗИМИ ҲАМДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

32-м о д д а. Пул тизими

Ўзбекистон Республикасининг пул тизими Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилишини ва уни тартибга солишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат.

Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

33-модда. Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади.

Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра бир номинал қийматдаги банкнот ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз алмаштириб беради.

34-модда. Пул белгиларини тайёрлаш ва сақлаш

Марказий банк банкнотлар босилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек босма қолиплар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пулларни сақлаш, ташиш ва инкассо қилиш, шунингдек уларни йўқ қилиб юбориш қоидаларини белгилайди.

35-модда. Муомаладаги пул белгиларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир.

36-модда. Тўловларни амалга ошириш

Тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади. Марказий банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва коидаларини белгилайди.

Марказий банк юридик шахсларнинг касса операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

37-модда. Шикастланган пул белгилари

Марказий банк пул белгиларининг фойдаланишга яроқчилигини аниқлаш ҳамда путур етган банкнотлар ва тангаларни алмаштириш тартибини белгилайди. Пул белгилари яроқчилигини аниқлаш ва уларни алмаштириб бериш тартиби эълон қилиниши лозим.

Банклар путур етган банкнотлар ва тангаларни белгиланган коидаларга мувофиқ чекловсиз айирбошлаб беради.

38-модда. Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш

Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва қайтариб олишни фақат Марказий банк амалга оширади.

39-модда. Пул белгиларини муомаладан қайтариб олиш

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай банкнот ва тангаларни муомаладан қайтариб олишга ҳақли. Бунга Марказий банкнинг айирбошлаш тартиби ва муд-

дати кўрсатилган норматив ҳужжат асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Марказий банк айирбошлаш учун белгилаган муддат тугаганида айирбошланиши керак бўлган банкнот ва тангалар қонуний тўлов воситаси сифатидаги ўз кучини йўқотади.

VI. ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ХАЛҚАРО РЕЗЕРВЛАРНИ БОШҚАРИШ

40-м о д д а. Валютани тартибга солиш

Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир.

Марказий банк:

ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар чиқаради;

банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

банклар учун очик валюта мавқеи лимитларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;

миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасаруф этади ва бошқаради.

41-м о д д а. Халқаро клиринг ва тўлов битимлари

Марказий банк ўз номидан ёки Ҳукумат топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси номидан чет элда жойлашган клиринг муассасалари билан клиринг ҳамда тўлов битимлари, шунингдек ҳар қандай шартномалар тузишга ҳақлидир.

42-м о д д а. Халқаро резервлар

Марказий банк ўзининг баланс ҳисобварақларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради. Бу резервлар қуйидагиларни:

олтин ва бошқа қимматбаҳо металлларни;

нақд чет эл валютасини;

чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотларида ҳисоб-варақлар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси қолдиқларини;

чет эл ҳукуматлари, банклари ва халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки қафолатлаган чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг монетар ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш учун, шунингдек халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли бўлган даражада халқаро резервлар сақлаб турилишига ёрдам беради.

43-модда. Чет эл валютасидаги операциялар

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг ташқарисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ҳамда халқаро амалиётга мувофиқ чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

VII. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲУКУМАТ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

44-модда. Марказий банкнинг вазифалари

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва фискаль агенти (ҳазина вакили) сифатида иш тутади.

Марказий банк ҳукуматга Марказий банкнинг вазифаларига ҳамда ваколатларига дахлдор барча муҳим масалалар бўйича маслаҳат беради.

Марказий банк ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича, давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

45-модда. Давлат секторига қарз ажратиш масалаларида маслаҳатлар бериш

Ҳукумат келгуси молия йилида кредитлашнинг ички ва ташқи манбаларидан қарз ажратиш, шу жумладан, ушбу қарз

доирасида тўланадиган суммаларни бериш режалари, шунингдек кредит беришнинг таклиф этилаётган муддатлари ва шартлари тўғрисида Марказий банк билан маслаҳатлашади. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва унинг давлат органлари олаётган барча қарзлар тўғрисида Марказий банкка хабар беради.

46-модда. Депозитарий ва кассирнинг вазифалари

Марказий банк ҳукуматнинг, шунингдек Молия вазирлигининг рухсатномаси бўлган тақдирда бошқа давлат органларининг пул маблағларини ва валюта қимматликларини депозитга қабул қилиши мумкин. Марказий банк депозитарий сифатида пул маблағларини ва валюта қимматликларини олади ва беради, уларнинг ҳисобини юритади. Марказий банк кўрсатиб ўтилган депозитлар юзасидан фоизлар тўлаши мумкин.

47-модда. Фискаль агентнинг вазифалари

Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган шартларда иш тутиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва давлат органларининг фискаль агенти сифатида:

Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари чиқарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, бу жойлаштиришларни рўйхатга олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозларнинг қийматини, улар бўйича фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобварақлар юритиш ва уларга доир тўлов операцияларини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Марказий банк Молия вазирлигига давлатнинг қимматли қоғозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири ва монетар сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда маслаҳат беради.

48-модда. Ҳукуматга кредит бериш

Кредитлар ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда ушбу Қонун 30-модда-

сининг биринчи қисмида кўрсатилган ва бир йил ичида қиймати тўланадиган активлар гаровга қўйилиши шарти билан берилади.

Кредит бериш ҳукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилади, унда кредитнинг миқдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар нормаси ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади.

Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошқа тўловлар учун анча узоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Марказий банк ҳукуматга ушбу моддада назарда тутилганларидан ташқари ҳолларда молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

49-м о д д а. Ҳукумат билан Марказий банк ўртасида ахборот алмашуви

Ҳукумат билан Марказий банк иқтисодиётдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни назорат қилиш учун доимий равишда статистик ахборот алмашиб турадилар.

Ҳукумат, вазирликлар ва идоралар Марказий банкка у ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган молиявий, иқтисодий ахборот ва ҳужжатларни тақдим этадилар.

VIII. БАНКЛАР, МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЛОМБАРДЛАР ВА КРЕДИТ БЮРОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ, ШУНИНГДЕК ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БЛАНКАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

50-м о д д а. Банклар, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюрolari фаолиятини, шунингдек қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалар

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, мик-

рокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюрolari фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жинoий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоа этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилади.

Марказий банк банкларни, кредит бюрolarини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, кредит бюрolari фаолиятини ва қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.

Банкларни, кредит бюрolarини рўйхатга олиш, банкларга, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга лицензиялар бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ҳақ эвазига амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензия бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ эвазига амалга оширилади. Берилган лицензиялар тўғрисидаги ахборот эълон қилиниши, шунингдек Марказий банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши керак ҳамда танишиб чиқиш учун очикдир.

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, кредит бюрolarига ҳамда қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади.

51-модда. Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари

Марказий банк:

банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни;

молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан микрокредит ташкилотлари учун мажбурий бўлган қоидаларни;

фаолият ва операцияларни амалга ошириш юзасидан ломбардлар ва кредит бюрolari учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банк:

банклар, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюроларининг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан, операциялари тўғрисида ахборот сўраш ҳамда олиш;

олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

банклар ва микрокредит ташкилотларининг, уларнинг филиаллари ва улар билан узвий боғланган шахсларнинг, шунингдек ломбардлар ва кредит бюроларининг фаолиятини текшириш, қоидабузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

банклар ва кредит бюроларининг ички аудитига доир талабларни белгилаш;

банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш;

ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таомилини аниқлаш;

банклар, микрокредит ташкилотлари ломбардлар ва кредит бюроларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

банк акциядорлари устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортикрок қисмини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ҳамда обрў-эътибори ҳақида ахборот сўраш ва олиш;

банкларнинг ва улар филиалларининг раҳбарлари, бошқарув аъзолари ҳамда бош бухгалтерларига, микрокредит ташкилотлари ва кредит бюролари ижро органларининг раҳбарларига нисбатан малака талабларини қўйиш.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда банк акцияларини сотиб олиш учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Марказий банк акция сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда банк акциялари харид қилиниши ва сотилишига розилик бер-

маслик ҳуқуқига эга. Марказий банк ўз қарори тўғрисида ариза берувчига илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар беради.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, шу жумладан, тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

Марказий банк махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда банклар, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар учун мажбурий бўлган ички назорат қоидаларини тасдиқлайди.

52-м о д д а. Иқтисодий нормативлар

Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан:

капиталнинг монандлик коэффициентини;

бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

ликвидлилиқ коэффициентларини;

активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;

қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни;

очик валюта мавқеи лимитларини белгилайди.

Марказий банк микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар учун мажбурий иқтисодий нормативларни белгилайди.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади.

53-м о д д а. Марказий банк қўллайдиган чоралар ва санкциялар

Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид конун ҳужжатларини бузган тақдирда,

Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Агар йўл қўйилган тартиб бузилишлари ёки банк ўтказаятган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган бўлса, Марказий банк:

банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;

банкдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тadbирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини, шу жумладан, банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилишга;

банк учун иктисодий нормативларни олти ойлик муддатгача ўзгартиришга;

банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;

банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақлари қонунга зид равишда бўлган ҳолларда Марказий банк банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадини қатъий тартибда ундириб олади, шунингдек шундай миқдорда жарима солади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари банклар, микрокредит ташкилотлари ва лом-

бардлар томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан конун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли.

Микрокредит ташкилотлари, уларнинг филиаллари, шунингдек ломбардлар томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар тўғрисидаги конун ҳужжатлари талаблари, белгиланган иқтисодий нормативлар бузилган тақдирда, Марказий банк:

микрокредит ташкилотидан устав фондининг белгиланган энг кам миқдоридан бир фоизгача жарима ундиришга;

ломбарддан белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик барава-ригача миқдорда жарима ундиришга ҳақлидир.

Банкларга, микрокредит ташкилотларига, ломбардларга ва кредит бюроларига, шунингдек қимматли қоғозлар бланкалари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан чоралар ҳамда санкциялар қўллаш тартиби конун ҳужжатларида белгиланади.

54-м о д д а. Халқаро ҳамкорлик

Марказий банк халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг марказий банклари ҳамда банк назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорлик қилади ва ахборот айирбошлайди.

IX. БАНКЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

55-м о д д а. Жавобгарликни чеклаш

Марказий банк ва банклар бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, улар шундай жавобгарликни ўз зиммасига ўзлари олган ҳоллар бундан мустасно.

56-м о д д а. Банкларнинг Марказий банкдаги ҳисобварақлари

Марказий банкка банкларнинг ҳисобварақларини юритиш ва депозитларини қабул қилишга рухсат этилади.

57-модда. Клиринг ва ҳисоб-китобларни ташкил этиш

Марказий банк банкларга банклараро тўловларга ҳисоб-китоб-клиринг хизматини, шу жумладан, чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари орқали ҳақ тўлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, шундай операцияларни ўтказиш тартибини ўз ихтиёрига кўра белгилаш ва тегишли кўрсатмалар беришга ҳақлидир.

58-модда. Банк ахборот тармоғи ва статистик ахборот йиғиш

Марказий банк банк тизими эҳтиёжлари учун ахборот тармоғини яратади ва сақлаб туради.

Марказий банк статистик ахборотни тегишли органлардан ёки бевосита иқтисодий фаолият юритувчи субъектлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олади.

Марказий банк статистик ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш қондалари ҳамда амалиётини тегишли ташкилотлар билан келишиб олишда ўз ваколатлари доирасида қатнашади.

59-модда. Марказий банкнинг имтиёзли ҳуқуқи

Марказий банкка қарздорнинг ҳисобварақларидаги қолдиқлари ҳамда унинг Марказий банкдаги бошқа активлари ҳисобидан ўзининг барча талабларини қондиришдан иборат қатъий имтиёзли ҳуқуқ берилган, мажбурий резервлар сифатида Марказий банк депозитида турган банклар маблағи бу активларга кирмайди.

Марказий банк ўзининг имтиёзли ҳуқуқини ҳисобварақлардаги қолдиқларни ушлаб қолиш ёки бошқа активларни мақбул нархларда сотиш ва тушумдан сотиш харажатларини чегириб ташлагандан кейин ўзига тегишли бўлган миқдордаги тўловни ушлаб қолиш орқали амалга ошириши мумкин.

**60-модда. Марказий банкнинг қарорлари устидан
шикоят қилиш**

Марказий банкнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1996 йил 25 апрель, 216-1-сон

БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

(Мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 357-1-сон, 1997 йил 30 августдаги 485-1-сон, 1999 йил 15 апрелдаги 772-1-сон, 1999 йил 20 августдаги 832-1-сон, 2006 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-49-сон, 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон, 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-197-сон, 2009 йил 7 апрелдаги ЎРҚ-206-сон, 2009 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-223-сон, 2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-321-сон ва 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сон қонунлариغا мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Таърифлар

Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Омонат (депозит) – талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни оловчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси.

Чет эл банки – чет эл банкининг ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шуъба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади.

2-модда. Банк фаолиятининг субъектлари

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

3-модда. Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Банклар фаолияти ушбу Қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

4-модда. Банк операциялари

Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадilar:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга хужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандикларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофик, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5-модда. Банклар фаолиятини лицензиялаш

Банк, шу жумладан чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

6-модда. Фирма номи

«Банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларини ушбу Қонунга мувофик банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин.

Ушбу талабни бузиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

II. БАНКЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

7-модда. Банк муассислари

Банклар, коида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин, башарти, конун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Банкларнинг акцияларини олиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шуъба банклар ташкил этиш ҳоллари, шунингдек конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

8-модда. Банк устави

Банклар ўз уставлари асосида фаолият кўрсатадилар.

Банк уставида:

банкнинг (тўла ва қискартирилган) номи ва қаерда жойлашганлиги (почта манзили);

банк операцияларининг рўйхати;

устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталидаги улушларнинг таксимоти;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Банк уставида, ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари, конун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банк уставига киритиладиган ўзгартишлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

9-модда. Банкнинг устав капитали

Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда конун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак. Устав капитали учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ёки бошқа банкларида очилган жамғариш ҳисобварағига ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

10-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш

Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилади.

Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширадилар.

11-модда. Банк очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш асослари ва муддатлари

Лицензия беришдан олдин Марказий банк аризачиларга банк ташкил этиш соҳасидаги фаолиятларини давом эттириш имкони берадиган дастлабки рухсатномани беради.

Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор ариза ва у билан бирга барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан уч ой ичида қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятларини ҳамда обрўсини, банк раҳбарлигига таклиф этилаётганларнинг касб малакаларини, бизнес-режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади.

12-м о д д а. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш муддати

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб узоғи билан олти ой муддатда конун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари керак.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳақидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпи билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

13-м о д д а. Банкларни рўйхатга олишни ва уларга лицензия беришни рад этиш асослари

Марказий банк куйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;

таъсис ҳужжатларининг конун ҳужжатларига номувофиклиги; бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи кониқарсизлиги;

муассислар молиявий маблағларининг манбалари эълон қилинмаганлиги;

банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги;

банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиклиги.

Банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига рад этиш сабаблари ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб,

такроран кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади. Бунда банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги аризани такроран кўриб чиқиш ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш тўғрисидаги аризани такроран кўриб чиқишда банкни рўйхатга олишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рўйхатга олишни ва лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиш асослари

Марказий банк қуйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиши мумкин:

банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, пасивлар активлардан кўпайиб кетганида;

лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

қонун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;

лицензия берилган пайтдан эътиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечикканда;

монополияга қарши қоидалар бузилганда;

ички назорат қоидалари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби бузилганда;

Ўзбекистон Республикасида ўз шуъба банкани ташкил этган чет эл банкдан лицензия чақириб олинганда.

15-модда. Чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиш ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар

Марказий банк чет эл капитали иштирокидаги банклар олдига қўшимча талаблар қўйиш, шу жумладан, чет давлатлар банкларидан улар ўзлари жойлашган ва рўйхатга олинган ердаги текширув органи назорати остида эканликларининг тасдиқномасини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эл банкларига лицензиялар, башарти, чет давлат банки ўз мамлакатида қайтариб бериш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлсагина берилади.

16-модда. Банкларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали – уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир.

Чет эл банки ваколатхонаси – банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинмадир.

Филиалларнинг раҳбарларини уларни ташкил этган банкнинг раҳбари Марказий банк билан келишиб тайинлайди.

17-модда. Банкларнинг чет эллардаги филиаллари ва ваколатхоналари

Банклар Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз шуъба банкларини, филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари, банклар ташкил этишда қатнашишлари мумкин.

18-модда. Банкларнинг иттифоқлари ва уюшмалари

Банклар, башарти, қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин.

Бундай бирлашмалар мустақил равишда тижорат фаолияти, шу жумладан, банк фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар тижоратчи бўлмаган ташкилотлар учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

19-модда. Банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш

Банк куйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра;

Марказий банк лицензияни чакириб олганида;

банкрот деб эълон қилинганда.

Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади.

Банкнинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III. БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. БАНКЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

20-модда. Банкларнинг мустақиллиги

Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

Банк хизматчиси банк бошқарувининг розилиги билан ўриндошлик асосида бошқа жойда ишлаши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари банк муассасаларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

21-модда. Давлат ва банкларнинг масъулияти чегаралаб қўйилиши

Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

22-модда. Банкнинг бошқарув органлари

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Банк кенгашининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан, кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;

банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;

банк сиёсатини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

Банк кенгаши аъзолари камида беш кишидан иборат бўлиши лозим. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

23-модда. Банкларнинг фондлари

Банклар ўз фойдаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турли фондлар ташкил этишлари мумкин.

24-м о д д а. Банкларнинг пул маблағларини захиралаш соҳасидаги бурчи

Банклар Марказий банкда мажбурий захираларини сақлашлари шарт. Мажбурий захиралар нормативи Марказий банк томонидан белгиланади.

25-м о д д а. Банкларнинг умумий иқтисодий нормативларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари

Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт.

Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши захираларни ташкил этишлари, шунингдек зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишини таъминлашлари лозим.

Банклар:

амалга оширилган инвестицияларнинг турлари ёки шаклларига;

кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ҳамда унга эгаллик қилишга;

бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашишга доир шартларга риоя этишлари лозим.

Банклар:

капитални тақсимлаш натижасида ўз капитали талаб қилинадиган энг кам миқдордан ҳам камайиб кетадиган бўлса, капитални тақсимлашга;

акциялар шаклидаги ўз қимматли қоғозлари билан кафолатланган кредит беришга;

олдидан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга ҳақли эмаслар.

Нормативлар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш услубига бўлажак ўзгартишлар амалга киритилишидан камида бир ой олдин Мар-

казий банк томонидан расман эълон қилинади. Устав капиталининг энг кам миқдори ўзгартирилиши тўғрисида Марказий банк бундай ўзгартиш амалга киритилишидан камида уч ой олдин расман хабар беради.

26-м о д д а. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш

Банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган шартномалари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган шартномаларга караганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Марказий банк банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш, жумладан уларга кредитлар ажратиш юзасидан чекловлар белгилайди.

Қуйидаги шахслар:

банкнинг мансабдор шахси, жумладан банк кенгашининг аъзоси, шу банкнинг бошқа ходимлари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган банк акциядорлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган акциядор юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

банк юридик шахсларнинг қатнашчиси бўлиб, уларнинг устав капиталидаги улуши ўн фоиздан ортиқ бўлса, мазкур юридик шахслар, уларнинг мансабдор шахслари ва бу шахсларнинг яқин қариндошлари банк билан алоқадор шахслар деб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг бири билан алоқадор бўлган шахс уларнинг ҳар бири билан алоқадор деб ҳисобланади.

Банк билан алоқадор шахсга кредит, шунингдек банк билан алоқадор шахс учун қафолатлар ушбу модда талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг қарорига кўра берилиши мумкин.

**27-м о д д а. Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси
давлат бюджетининг касса ижросига
доир операцияларни бажариши**

Марказий банкнинг топшириғига кўра банклар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажарадилар.

**28-м о д д а. Банкларнинг кредит ставкалари
ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш
ҳуқуқлари**

Банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади.

Давлат дастурларини молиялаш учун Марказий банк томонидан банкларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк ушбу банклар қарздордан ундириб оладиган фоиз ставкаларининг энг кўп миқдорини белгилаши мумкин, бунда марказлаштирилган ресурслар учун тўлов ва банкларнинг харажатлари ўрнини қоплаш ҳисобга олинади.

**29-м о д д а. Банкларнинг ҳисобот ва бошқа
ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари**

Банклар ўз фаолиятларига доир ҳисобот ва бошқа ахборотни Марказий банкка ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

**29-1-м о д д а. Банкларнинг молия-хўжалик фаолиятини
амалга оширмаётган корхоналар банк
ҳисобварақлари бўйича ахборот тақдим
этиш мажбурияти**

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, банклар бундай корхоналар тўғрисидаги ахборотни улар ҳисобга олинган жойдаги давлат

солик хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этишлари шарт.

Банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлган тақдирда, корхоналарнинг ёпилаётган ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади, корхонанинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса, кўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилганидан кейин уларнинг номига келиб тушаётган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади.

Фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларда жамланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарзларини қоплаш учун, қолган сумма эса уларнинг кредиторлик қарзини тўловларнинг календарь навбати бўйича қоплаш учун йўлланади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия корхона фаолиятини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинлаган пайтдан эътиборан бу корхонанинг ҳисобварақлари тасарруфи тегишинча корхонанинг ўзига ёки тугатиш комиссиясига ўтади.

30-м о д д а. Банк операцияларига доир ҳужжатлар

Банклар ҳужжатларни Марказий банк белгилаган тартибда ва муддатда ўз архивларида сақлашлари шарт.

31-м о д д а. Банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзлари танлаган битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Банклар мижозларга ҳисобварақлар очишнинг Марказий банк белгилаган тартибига риоя қилишлари шарт.

Банкнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа мижозларга тенг шартлар асосида кўрсатилади.

32-модда. Банклараро операциялар

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

33-модда. Банкларнинг ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар конун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

34-модда. Кредитлар қайтарилишини таъминлаш

Банклар конун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар.

Банклар таъминланмаган кредит (эътимодли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

35-модда. Қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш

Банкдан олган кредитларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни банк тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуотда хабар бериши мумкин. Банк бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

IV. БАНКЛАРГА ВАСИЙЛИК ҚИЛИШ

36-модда. Васийликни тайинлаш

Банкнинг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Марказий банк васий тайинлайди ва васийлик қилиш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойиш матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Банкнинг олдиндан васийдан розилик олмай қилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас.

37-модда. Васийнинг ваколатлари

Васий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш, мансабдор шахсларни ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар кўрилиши шарт.

Башарти, васийлик вақтида ёки васийлик даврининг охирида банкни соғломлаштиришнинг иложи йўқлиги Марказий банк томонидан аниқланса, у лицензияни чақириб олади ва белгиланган тартибда банкни тугатади.

V. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

38-модда. Банк сир

Банклар ўз миждозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг миждозлари ва вакилларининг банк операциялари,

ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш кўзғатилган бўлса суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар миждозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; миждозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотлар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса – чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошқор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Банклар ўз миждозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан тақдим этади.

Банклар кредит ахборотини кредит бюроларига кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида тақдим этади.

39-м о д д а. Банкларнинг ўз миждозлари олдидаги жавобгарлиги

Банклар маблағларнинг сакланиши ҳамда омонатчилар олдидаги маждуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан, тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз миждозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

Банк тугатилганда унинг жисмоний шахс бўлган омонатчилари банкни тугатишдан келадиган тушумлар ҳисобидан ўз омонатларини олишда имтиёзга эгадирлар.

Банклар депозит ва кредит операцияларига доир муддатлар ва шартлар, шу жумладан, Марказий банк чиқарган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва йиғимлар тўғрисида ўз миждозларига мунтазам равишда ахборот бериб боришлари шарт.

40-м о д д а. Монополияга қарши қоидалар

Банкларнинг банк операциялари бозорини монополиялаш ва банк ишида рақобатни чеклашга қаратилган битимларга эришиш мақсадида ўз иттифоклари, уюшмалари ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиши тақиқланади.

Монополияга қарши қоидаларга риоя этилиши Марказий банк томонидан, шунингдек ушбу мақсадларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган бошқа органлар томонидан назорат қилинади.

VI. БАНКЛАРДА ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТ. БАНКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

41-м о д д а. Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот

Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қодалари бузилганлиги учун банк раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

42-м о д д а. Банкларнинг молиявий ҳисоботларни эълон қилиши

Банклар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиладилар.

43-м о д д а. Банклар аудити

Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт.

44-м о д д а. Банкларни назорат қилиш

Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради.

Марказий банк тижорат банкларидан ахборот беришни талаб қилишга ва ушбу Қонунни бажариш мақсадида бошқа ишларни амалга оширишга ҳақлидир.

Банклар фаолиятини текшириш Марказий банк томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

2003 йил 30 август, 530-II-сон

БАНК СИРИ ТЎҒРИСИДА

(Мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-8-сон, 2009 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-223-сон ва 2012 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-321-сон қонунларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, эълон қилиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Банк сирини

Банк сирини банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлардан иборатдир:

ўз миждозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисоб-варақлари ва омонатларига доир маълумотлар;

банк ўз миждозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур миждоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;

миждознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;

мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

4-модда. Учинчи шахслар

Банк, унинг мижози (вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар ҳисобланади.

5-модда. Банк сирининг ошкор қилиниши

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд бошқа йўсинда тарқатиш ёки маълум қилиш, учинчи шахслар эътиборига етказиш, бундай маълумотларни қўлга киритиши учун учинчи шахсларга бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёхуд маълум бўлиб қолган ёки ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бундай маълумотларни сақлаш тартибининг бузилиши оқибатида имконият яратиб бериш банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк томонидан учинчи шахсларга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек банкка юридик, бухгалтерия, аудиторлик, ахборот ва маслаҳат йўсинидаги хизмат кўрсатувчи шахсларга маълум қилиниши ёки тақдим этилиши, башарти бу ана шундай хизмат кўрсатиш зарур бўлса ҳамда мазкур шахслар ушбу

Қонуннинг 6-моддасида белгиланган ҳаракатларни содир этишдан ўзларини албатта тийсалар, банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланмайди.

6-м о д д а. Банк сирининг ошкор қилинишини тақиқлаш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган ёхуд ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бу маълумотларнинг ошкор қилиниши ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларни амалга ошириши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этишга ёки тақдим этишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7-м о д д а. Банк сирининг муҳофаза қилиниши

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланади.

Банкнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилиши, шунингдек мазкур маълумотлардан шахсий мақсадда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиши, учинчи шахсларга бундай фойдаланиш имкониятини бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотларни сақлаш тартибини бузиш оқибатида яратиб бериши тақиқланади.

Банкнинг раҳбари ёки бошқа ходими банкда ишлаш даврида ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг банк билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тегишли равишда сақланиши учун банк зарур ташкилий ва техникавий чора-тадбирлар кўриши шарт.

Агар банк билан мижоз (вакил) ўртасида низо келиб чиққан бўлса, банк ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мижознинг (вакилнинг) банк сирини ташкил этувчи маълумотларни зарур ҳолларда ва доирада маълум қилиши мумкин.

8-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек ушбу Қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсларга тақдим этилади.

Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсул ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз мижозлари ҳақидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этади.

Кредит ахборотини белгиланган тартибда кредит бюроларига тақдим этиш банк сирининг бузилиши деб ҳисобланмайди.

9-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, тергов ва суриштирув органларига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатла-

нишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

10-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга ва суд ижрочисига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувни мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижознинг (вакилнинг) мол-мулкани хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади.

11-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

12-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тартиби

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек суд ижрочисига тақдим этиш, бунинг учун ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, уларни сўраётган органга ёпиқ ва муҳрланган конвертда юбориш орқали амалга оширилади.

Кредит ахборотини кредит бюроларига тақдим этиш кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади.

13-м о д д а. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни мижознинг (вакилнинг) меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига тақдим этиш

Мижоз (вакил) тўғрисидаги, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига, агар уларнинг ўзи ёки улар ваколат берган вакиллар конун ҳужжатларига мувофиқ мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни тақдим этсалар, банк томонидан тақдим этилади.

Мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқламайдиган ҳужжатлар олинган тақдирда, банк мурожаат қилган шахсни у сўраган маълумотларни тақдим этиш имконияти йўқлиги хусусида уч иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт, шунингдек қўшимча ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилишга ёки мурожаат этган шахснинг мерос ҳуқуқини ёхуд ҳуқуқий ворислигини тасдиқлаб бериш тўғрисидаги ёзма сўровни тегишли нотариусга ёки юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга юборишга ҳақли. Мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, банк мурожаат этган шахсга беш иш куни ичида тегишли мижоз (вакил) тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни бериши ва барча ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

14-м о д д а. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши

Банклар ўз фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш, омонатларни, кредитлар ва бошқа инвестицияларнинг қайтарилишини кафолатлаш мақсадида ўз мижозлари (вакиллари) тўғрисидаги маълумотларни конунда белгиланган тартибда ва доирада ўзаро алмашиб туришлари ва бир-бирларига тақдим этишлари мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига, шунингдек омонатчиларга пулларни қайтариш тадбир-чораларини кўриш учун агент банкларга тақдим этилади.

Бошқа банкнинг мижози (вакили) тўғрисидаги маълумотларни олган банк бундай маълумотларни ошкор қилишга ва учинчи шахсларга тақдим этишга ҳақли эмас.

15-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш чегараси

Банк ушбу Қонунга мувофиқ фақат ўз миждозига (вакилига) доир, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этади, бунда миждознинг (вакилнинг) банкда сакланаётган ҳужжатларида бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, бундай маълумотлар ҳам миждозга (вакилга) доир маълумотлар деб ҳисобланади.

16-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этишни рад қилиш

Агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотлар тақдим этишни рад қилиши шарт.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этишни рад қилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли эмас, ушбу Қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

17-модда. Низоларни ҳал қилиш

Банк сирини билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

18-модда. Банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахснинг бу маълумотларни ноқонуний равишда ошқор қилганлиги ёхуд улардан ноқонуний фойдаланганлиги ҳамда банк миждозига (вакилига) зарар етказганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

2004 йил 26 август, 660-II-сон

ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА

*(Мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил
22 апрелдаги ЎРҚ-212-сон, 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-
сон қонунларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)*

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-м о д д а. **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Терроризмни молиялаштириш – террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш.

II. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4-м о д д а. **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар қиради:

махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат;

ички назорат;
мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар.

5-м о д д а. Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан кабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи.

6-м о д д а. Ички назорат

Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир.

Ички назорат амалга оширилаётганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг махфийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари, шунингдек махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат коидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ички назорат коидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур коидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

7-модда. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат коидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат коидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган мижозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни.

8-модда. Махсус ваколатли давлат органи

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки

бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

9-м о д д а. Махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ равишда олинадиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан, автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўрайди ва бепул олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10-модда. Махсус ваколатли давлат органи қарорларининг мажбурийлиги

Махсус ваколатли давлат органининг жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

III. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЁКИ БОШҚА МОЛ-МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

11-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;
- биржа аъзолари;
- суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;
- лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;
- пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

13-м о д д а. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

14-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, алоҳида ҳолларда махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак бўлган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органига бу операциялар бўйича улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай белгиланган тартибда ахборот тақдим этиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу опе-

рация бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция хақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади;

ички назорат тартиб-таомилини жорий этиш ва амалга ошириш.

16-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бажаришни рад этиш

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

17-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ чет эл валютасидаги операция

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция чет эл валютасида амалга оширилаётган бўлса, унинг миллий валютадаги миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

IV. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АХБОРОТ

18-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш би-

лан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сирни ёки конун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди.

19-м о д д а. Маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаш

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сирни ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, махсус ваколатли давлат органининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўтказилаётган назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмас.

20-м о д д а. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаш- тиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни чеклаш ҳамда бундай ахборотни тарқатмаслик

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, махсус ваколатли давлат органи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш-

да иштирок этувчи бошқа органлар жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклайдилар ҳамда бундай ахборотнинг тарқатилмаслигини таъминлайдилар.

21-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни сақлаш

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

22-модда. Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида чет давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш ва чет давлатлар ваколатли органларининг сўровларига жавоб қайтариш ҳуқуқига эга.

23-модда. Низоларни ҳал қилиш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

24-модда. **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

2009 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-223-сон

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида**»ги 625-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 260-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) **23-моддаси** куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Гаров тўғрисида**»ги 736-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007

йил, № 4, 156-модда) 45-моддасининг тўртинчи қисми чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **243-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«243-м о д д а. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) куйидаги кўшимчалар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **179³-модда** билан тўлдирилсин:

«179³-м о д д а. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбир-

ларни кўрмаслик, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва конун билан кўриқланадиган ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриконуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми «179²»** рақамидан кейин «179³» рақами билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг **Марказий банки тўғрисида**»ги 154-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) куйидаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин:

1) **50-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилади»;

2) **51-модда** куйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Марказий банк махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташки-

лотлари ва гаровхоналар учун мажбурий бўлган ички назорат коидаларини тасдиқлайди»;

3) 53-м о д д а:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

6-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-І-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-І-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **96-модданинг учинчи қисмидаги** «банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **229-модданинг тўртинчи қисмидаги** «шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 769-модданинг:

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк омонати шартномасида эгасининг номи ёзилган омонат дафтarchасини бериш назарда тутилади»;

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) 770-модданинг:

биринчи қисми «Омонат (депозит) сертификати» деган сўзлардан кейин «эгасининг номи ёзилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) 778-моддадаги «банк ҳисобварағи шартномасида» деган сўзлар «конунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 785-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари «конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 14-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ички назорат қоидалари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби бузилганда»;

тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 38-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашти-

ришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади»;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 6-модданинг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади»;

2) 18-модда:

Ўзбекча матнининг еттинчи хатбошисидаги «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда) **7-моддаси** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин;

«Жисмоний ва юридик шахслар номидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ битимлар тайёрланганда ҳамда амалга оширилганда адвокатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш билан боғлиқ ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 10-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш тўғ-

рисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўллайди»;

ўн биринчи-ўн олтинчи хатбошилари тегишинча ўн иккинчи-ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) **26-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сир**и тўғрисида»ги 530-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) **8-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Электрон тўловлар тўғрисида**»ги ЎРҚ-13-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 412-модда)

17-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тўлов тизимининг аъзоси – банк тўлов тизимидан фойдаланувчининг топшириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг операция куни мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт, конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Агар тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин тушса, тўлов тизимининг аъзоси – банк электрон тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт, конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 3-модданинг:

ўн еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи-қирк иккинчи хатбошилари тегишинча **ўн еттинчи-қирк биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 5-модда биринчи қисмининг:

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи-ўн биринчи хатбошилари тегишинча **олтинчи-ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 15-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларга доир битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак»;

4) 32-модданинг:

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми **учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

5) 46-модда қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

14-м о д а. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ

*(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил
2 октябрдаги 328-В, 20-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2013 йил 21 ноябрда 2528-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5–6-сон, 54-модда), «Банк сири тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 144-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш тартибини белгилайди.

І б о б. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тижорат банки – Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ва тегишли фаолият турини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган банк;

ички назорат – тижорат банкининг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

Ички назорат хизмати – ички назоратни амалга ошириш учун жавобгар бўлган тижорат банкининг махсус бўлинмаси;

масъул ходим – тижорат банки филиалида ички назоратни амалга оширилиши учун масъул бўлган шахс;

Ички назорат хизмати ходимлари – ички назоратни амалга оширилиши учун масъул бўлган тижорат банки бош офисидаги Ички назорат хизмати ходимлари, тижорат банки филиалидаги масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари;

тижорат банкининг ички назорат тизими – мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган Ички назорат хизматининг тижорат банкининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширадиган ҳаракатлари йиғиндиси;

ички ҳужжатлар – тижорат банки фаолиятини тартибга солувчи ва унинг раҳбарияти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган ҳужжатлар;

ички қоидалар – тижорат банкида ва унинг филиалларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

махсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан буён матнда Департамент деб юритилади);

мижоз – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни (бундан буён матнда операция деб юритилади) амалга ошириш тўғрисида тижорат банкига топшириқнома (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

мижознинг ҳақиқий эгаси – юридик шахс – мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахс, яъни амалга ошириладиган операциядан манфаат кўрадиган мижоз ва (ёки) бошқа юридик

шахсга нисбатан мулкӣ ёки назорат ҳуқуқига эга бўлган бир ёки бир неча шахслар;

операция иштирокчилари – мижозлар, уларнинг вакиллари ҳамда мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари;

гумонли операция – мазкур Қоидаларни амалга ошириш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида тижорат банкида гумон уйғотувчи ҳамда уни шубҳали операциялар туркумига киритиш (киритмаслик) ҳақида қарор қабул қилгунга қадар бўлган операция;

шубҳали операция – тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни амалга ошириш жараёнида тижорат банкида уни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар – мазкур Қоидалар билан белгиланган Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган шубҳалилик мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида аникланадиган операциялар;

бир маротабалик операциялар – мижозлар томонидан банк ҳисобварағини очмаган ҳолда, камида бир ой давомида такрорланмайдиган, бир маротабалик тартибда амалга ошириладиган операциялар;

мунтазам равишда амалга ошириладиган операциялар – таҳлил қилинадиган давр мобайнида мижозлар томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган операциялар;

таҳлил қилинадиган давр – кейинги текширув босқичида тижорат банки мижознинг операцияларини таҳлил қиладиган ҳамда давомийлиги мижоз томонидан бажарилган операция турига кўра бир неча кундан бир неча ойгача бўлиши мумкин бўлган давр;

мижозни лозим даражада текшириш – мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали мижознинг

ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

мижозни идентификациялаш – тижорат банки томонидан мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижозлар ҳақидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш – тижорат банки томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

оффшор ҳудуд – имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органлар – операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар фаолияти устидан мониторинг ва назорат қилиш функцияларига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи, лицензияловчи, рўйхатдан ўтказувчи ва бошқа давлат органлари;

таваккалчилик – мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

масофавий хизматлар – мижознинг тижорат банкига келмаган ҳолда операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурлар ёрдамида операцияларни ўтказиш бўйича банк хизматлари.

2. Тижорат банкларининг ички назорат тизими мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

тижорат банкининг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали) га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек тижорат банкни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

3. Тижорат банклари ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш;

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

мижозларнинг ҳақиқий эгаларини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш бўйича асосли ва кўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (хужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этган ҳолда, алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва миқдорларни лозим даражада текширишга доир материалларни конун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

тижорат банки раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган аниқ ахборотлар ва материаллар билан оператив ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операциялар амалга оширилган ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган миқдорлар билан алоқадор бўлган шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар, жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлар, иштирокчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек бундай маълумотларни бошқа тижорат банклари ҳамда давлат органлари билан конун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

республикадаги ва чет элдаги бошқа банklar билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатишда уларнинг ички назорат тизимини ўрганиш;

операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида конунга хилоф иш қилиш, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш таҳдидини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш;

сўровлар бўйича миқозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.

4. Ички назорат тизими мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ички назорат хизмати қуйидагилар бўйича функцияларни бажаради:

хуқуқбузарлик содир этиш, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш хавфининг олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, мазкур Қоидаларда, ички ҳужжатларда назарда тутилган чораларни кўриш;

тижорат банки томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

тижорат банки фаолиятидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан раҳбарият кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ваколатли вакиллари, тижорат банкининг ички аудит хизмати ходимлари, ташқи аудиторлар ҳамда Департамент ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган ички назорат тизимини ташкиллаштиришда ва унинг фаолиятидаги хато ва камчиликларни бартараф этилишини мониторинг қилиш;

ички назоратни ташкил этиш, ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этиш масалалари бўйича Марказий банк ва Департамент билан ҳамкорлик қилиш.

5. Ҳар бир тижорат банки қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар асосида Ички назорат хизматининг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайдиган низомни ишлаб чиқиши, банк кенгашида тасдиқлаши ва амалга киритиши лозим.

Ушбу низом Ички назорат хизмати тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни акс эттириши керак:

унинг мақсади ва вазифалари;

унинг тижорат банкининг бошқа бўлинмаларидан мустақил бўлишини таъминлаш усуллари;

унинг тижорат банкининг бошқа бўлинмалари, ички аудит хизмати ҳамда чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари билан ўзаро муносабати;

ўзининг функцияларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек мазкур маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича тижорат банкининг бошқа бўлинмалари ва шўъба банклари, чет элдаги филиаллари ва ваколатхоналари ходимларининг мажбурияти;

конун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талаблари бузилишларини ўрганишни ўтказиш ҳуқуқи;

олинган маълумотларни тижорат банки бошқаруви раисига ва зарур бўлганда тижорат банки кенгашига эркин ифодалаш ва ошкор этиш ҳуқуқига эга бўлиши;

тижорат банкининг бошқарув раисига тегишли ҳисоботни тақдим қилиш мажбурияти;

тижорат банки бошқарувида конун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқлик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, шу жумладан мазкур соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти;

ходимларни танлаш талаблари ва тартиблари;

малакани ошириш бўйича махсус курсларда мунтазам равишда ўқиб бориш мажбурияти.

б. Тижорат банклари мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни акс эттирган ҳолда ички қоидаларни ишлаб чиқиши лозим:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартиби;

мижозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан, ми-
жозларни ва уларнинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шу-

нингдек мижозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалга ошириш коидалари;

зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

Ички назорат хизмати ходимлари томонидан тижорат банки бош офисидаги Ички назорат хизмати раҳбарига (бундан буён матнда Ички назорат хизмати раҳбари деб юритилади) конун ҳужжатлари бузилиши далиллари тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;

гумонли операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари;

юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозларнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда бундай мижозлар операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишини олдини олишга қаратилган чоралар;

пул маблағларини олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақида талаб қилинган маълумотлари мавжуд бўлмаган чет эл валютасидаги пул ўтказмалари аниқланган ҳолларда кўриладиган чоралар;

тижорат банкининг бошқа бўлинмалари, ички аудит хизмати ҳамда чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари билан Ички назорат хизматининг ўзаро муносабати ҳамда Ички назорат хизматига маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича тижорат банкининг бошқа бўлинмалари ва ҳамда чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари ходимларининг мажбурияти;

конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа коидалар.

Ички коидалар мазкур Коидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб тузилиши керак. Ички коидалар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тижорат банкининг кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ички коидалар тижорат банкининг барча бўлинмаларига ҳамда чет элдаги шўъба банкларига, филиалларига ва ваколатхоналарига ижро учун мажбурийдир.

II б о б. Ички назорат тизимини ташкиллаштириш

7. Тижорат банкининг ички назорат тизими банк ишининг жихатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

8. Тижорат банкининг, шу жумладан унинг филиалларининг ички назорат тизими таркибий тузилмаси тижорат банки бошқаруви қарори билан белгиланади. Тижорат банкининг ички назорат тизими таркибий тузилмаси аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб ҳамда Марказий банкнинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим.

9. Тижорат банкининг ички назорат тизимининг таркибий тузилмаси тижорат банкининг бош офисининг Ички назорат хизматини, шунингдек тижорат банкининг ҳар бир филиалидаги Ички назорат хизматини ёки масъул ходимни ўз ичига олади.

Тижорат банкининг чет элда шуъба банки, филиали ва ваколатхонаси мавжуд бўлган ҳолатда, чет элдаги шуъба банкнинг, филиалнинг ва ваколатхонанинг ички назоратни амалга оширишга масъул бўлинмаси тижорат банкининг бош офисидаги Ички назорат хизматига ҳисобдордир.

10. Ички назорат хизмати ички назорат мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларни унумли бажариш учун етарли миқдорда ходимлар билан шакллантирилади.

Ички назорат хизмати ходимлари сони таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши керак.

Филиаллари сони 50 та ёки ундан ортиқ бўлган тижорат банкларининг бош офисидаги Ички назорат хизмати штат бирлиги 10 тадан кам бўлмаслиги лозим.

11. Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари тижорат банки бошқаруви раисининг буйруғи билан лавозимига тайинланади ва озод этилади, улар тижорат банки бош офисининг штат бирлигига киради ҳамда уларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари тижорат банкининг бош офиси харажатлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ички назорат хизмати раҳбари олий иқтисодий ёки юридик маълумотга ва тижорат банкининг банк операцияларини амал-

га ошириш билан боғлиқ бўлинмасида камида икки йиллик раҳбарлик тажрибасига ёхуд Ички назорат хизматида камида бир йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходими лавозимига тайинланувчи шахс:

банк ва молия қонун ҳужжатларини билиши;

жиной қилоятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни билиши;

бухгалтерия ҳисоби қоидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш, шунингдек мунтазам равишда малакани ошириш бўйича махсус ўқув курсларидан ўтиши шарт.

12. Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходими лавозимига қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

ўз қилояти ва шахсий хулқ-атворида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни виждонан юритмаганини намоён этган шахслар;

иктисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

13. Тижорат банки ички назорат тизими тузилмасини шакллантириш, Ички назорат хизмати раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилгандан сўнг 10 (ўн) иш қуни мобайнида тайинланган шахслар тўғрисидаги анкета маълумотларини илова қилган ҳолда бу ҳақида Марказий банкка хабар бериши лозим.

14. Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида тижорат банки бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан керакли бошқарувчилик ва бухгалтерия ҳужжатларини талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, тижорат банкининг электрон маълумотлар базаларида, локал ҳисоблаш тармоқлари ва автоном компьютер тизимларида сақланадиган файллардан ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

тижорат банкининг бошқа бўлинмалари мутахассисларидан ёрдам сўраш ва олиш;

тижорат банки бўлинмаларининг ҳоваларига кириш, шунингдек тижорат банки бошқаруви раисининг ёзма руҳсатномаси би-

лан ҳужжатлар сақланиши учун фойдаланиладиган (архивлар), нақд пул ва қимматликлар сақланадиган (пул омборлари), компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва маълумотларни электрон шаклда сақлаш хоналарига кириш;

бошқарув раисининг ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосарининг ёзма розилиги билан терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ҳақида банк филиаллари раҳбарларига кўрсатмалар бериш;

мижозларнинг операцияларига нисбатан келгуси ҳаракатлари, жумладан, конун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча маълумот олиш ёки мавжуд маълумотларни текшириш бўйича тижорат банки бошқаруви раисига таклифлар тақдим этиш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

15. Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари тижорат банки номидан тўлов (ҳисоб-китоб), кредит ва бухгалтерия ҳужжатларини имзолаш ёки визалаш ҳуқуқига эга эмас.

16. Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

тижорат банкининг тегишли бўлинмаларидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

ўз вазифаларини амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

17. Ички назорат хизмати раҳбари бевосита тижорат банки бошқаруви раисига ҳисобдордир ва тижорат банкининг бошқа бўлинмаларидан мустақилдир.

Ички назорат хизмати ходимлари бевосита Ички назорат хизмати раҳбарига ҳисобдордир.

18. Тижорат банки бўлинмаларининг ходимлари Ички назорат хизматининг вазифаларини амалга оширилишида мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ кўмаклашадилар.

19. Тижорат банки бўлинмаларининг ходимлари Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат тартиби ички ҳужжатлар билан белгиланади.

20. Ички назорат хизмати, мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи банк бўлинмалари (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу кабилар), юридик хизмат, ички аудит ва хавфсизлик хизмати ходимларининг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида тижорат банклари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёрларликдан ўтказишлари шарт.

21. Ички назорат хизмати тижорат банкининг бошқа тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳар йили жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича тижорат банки ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ўқитиш дастурини (бундан буён матнда ўқув дастури деб юритилади) ишлаб чиқади. Ушбу дастурда қуйидагилар акс эттирилиши керак:

ўқувни ўтказиш тартиби, унинг шакллари (бирламчи инструктаж, режали, режадан ташқари ўқитиш) ва муддатлари;

ўқувни ўтказишни ташкиллаштиришга масъул шахсларни тайинлаш;

ходимларнинг билимини текшириш тартиби.

Ўқув дастури тижорат банкининг бошқаруви томонидан тасдиқланади.

III б о б. Мижозларни лозим даражада текшириш

22. Тижорат банклари қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак:

а) хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

юримдик ёки жисмоний шахс банк ҳисобварағини (омонатни) очиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

жисмоний шахс банк пластик картасини олиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

юримдик ва (ёки) жисмоний шахслар тижорат банки томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни харид қилиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

юримдик ва (ёки) жисмоний шахслар тижорат банки устав капиталининг бир фоизга тенг ёки ошадиган суммадаги унинг акцияларига эгаллик қилганда;

жисмоний шахс кредит олиш учун мурожаат қилганда;

б) бир марталик операциялар амалга оширилган куйидаги ҳолларда:

энг кам иш ҳақи миқдорининг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютаси сотилишида;

энг кам иш ҳақи миқдорининг 25 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини майдаланишида, алмаштирилишида ва (ёки) конверсияланишида;

жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини инкассога ва (ёки) экспертиза учун қабул қилинишида;

жисмоний шахслар томонидан тижорат банкида жойлашган терминаллар орқали пластик карталардан фойдаланилган ҳолда операциялар (нақд маблағлар ечиш, товар ва хизматларга тўловлар) амалга оширилганда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно);

мижозлар томонидан пластик карталардан нақд чет эл валютаси олинишида;

жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиниши;

банк ҳисобварағини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан, пул ўтказмаларини амалга оширишда ёки қабул қилишда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно);

в) шубхали операциялар амалга оширилганда;
г) миждоз тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига ёки етарли эканлигига нисбатан гумонлар мавждуд бўлганда.

23. Миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар мазкур Қоидалар кучга киргунга қадар ҳисобварақ очилган миждозларга нисбатан ҳам амалга оширилади.

24. Тижорат банклари томонидан миждозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар куйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида миждознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

миждознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашни;

миждоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай миждоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

25. Тижорат банки томонидан миждоз ва миждознинг ҳақиқий эгасини идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.

26. Тижорат банки томонидан жисмоний шахс – миждозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Бунда, тижорат банки мустақил равишда бундай ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши лозим.

27. Юридик шахсларга нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар бажарилаётганда тижорат банклари улардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим.

Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида тижорат банки пировард натижада миждознинг мулкдори бўлган ёки миждозни назорат қилувчи миждознинг ҳақиқий эгаси – жис-

моний шахсни идентификациялаш бўйича, шу жумладан миждознинг ҳамда унинг таъсисчилари (жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари, иштирокчилари)нинг мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўриши лозим.

28. Агар миждоз ёки миждознинг ҳақиқий эгаси мулкчилик таркиби тўғрисида маълумотни ошқор қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди.

29. Тижорат банки юридик шахс – миждозни батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

миждознинг таъсисчилари (жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, миждознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгаллик қилаётган шахсларни аниқлашга;

миждоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

миждоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.

30. Миждозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада амалда бўлиши шарт.

31. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

32. Тижорат банклари миждозлардан олинган ахборотлар (ҳужжатлар) ишончилигига шубҳалар мавжуд бўлганда, ушбу ахборотларни (ҳужжатларни) текшириш (верификациялаш) бўйича чораларни кўришлари лозим. Бундай ҳолатларда, тижорат банклари тегишли ташкилотларга миждозлар ҳақидаги ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончилигини (ҳақиқийлигини) аниқлаштириш учун мурожаат қилишлари мумкин.

33. Норезидент-банк билан вакиллик муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида норезидент-банкни иденти-

фикациялашдан ташкари, тижорат банки қуйидагиларни амалга ошириши керак:

норезидент-банкнинг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш;

очик маълумотлар асосида норезидент-банкнинг обрўсини ва назорат сифатини, шу жумладан, ушбу банкка нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид қоидабузарликлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаш;

«транзит хисобварақлар»га нисбатан – банк-респондентда банк-корреспондент сўрови бўйича миқдор тўғрисида керакли идентификациялашга оид зарур маълумотларни тақдим этиш имконияти мавжудлиги тўғрисида тасдиқ олиш;

транзит ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида бошқа банклар билан муносабатларни ўрнатишда электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш.

Норезидент-банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор тижорат банки бошқаруви томонидан қабул қилинади.

34. Тижорат банклари вакиллик муносабатлари ўрнатилаётган норезидент-банклар томонидан текширишнинг халқаро стандартлар қўлланилиши ва операцияларга нисбатан тегишли текширув тартибларидан фойдаланилиши ҳақида ишонч ҳосил қилишлари керак.

35. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар ҳудудида жойлашган норезидент-банклар ёки уларнинг шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари билан вакиллик муносабатларини давом эттириш жараёнида тижорат банклари улар билан амалга оширилаётган барча операцияларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

36. Тижорат банклари:

улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган банклар томо-

нидан ҳисобварақлари фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлган норезидент-банклар билан муносабатлар ўрнатилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўришлари шарт;

ҳалқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида мазкур ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов тафсилотлари ва бошқа маълумотларни банк-корреспондентларга тақдим этиши мумкин;

жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва ҳисоб рақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган ҳалқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларга алоҳида эътибор қаратишлари ва батафсил таҳлил қилишлари лозим;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда жойлашган ўзларининг чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтиришлари керак;

ўзларининг чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар конун ҳужжатларида тақим мавжудлиги сабабли, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, тижорат банкининг бош офисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида тижорат банклари бу ҳақда Марказий банкка ва Департаментга хабар беришлари шарт.

Тижорат банкларининг чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари агарда улар жойлашган мамлакатнинг конун ҳужжатларида тижорат банкининг ички қоидаларига нисбатан энгилрок ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда тижорат банкининг ички қоидаларига риоя қилишлари керак.

37. Халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича хизматларни кўрсатувчи компаниялар (бундан буён матнда халқаро пул ўтказмалари тизимлари деб юритилади) билан муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида бундай ташкилотни идентификациялашдан ташқари, тижорат банки қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

халқаро пул ўтказмалари бўйича шеригининг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш;

очиқ маълумотлар асосида ташкилотнинг обрўсини, жумладан, ушбу ташкилотга нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга оид камчиликлар юзасидан тергов олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаш;

электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш.

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қарор тижорат банки бошқаруви томонидан қабул қилинади.

38. Халқаро пул ўтказмалари бўйича, шу жумладан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари:

ўзларининг бундай хизматларни кўрсатувчи бўлинмалари (шоҳобча, бўлим ва шу кабилар) ва ушбу бўлинмалар ходимларини ҳисобини юритишлари;

пул ўтказмаларига оид операцияларни жисмоний шахс – мижозларни лозим даражада текширгандан сўнг амалга оширишлари;

жўнатиладиган пул ўтказмаларини мижоз-жўнатувчи ҳақидаги (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса); шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) ва олувчи ҳақидаги (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса); агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари;

норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдоригача бўлган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса); агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилишлари;

норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдorigа тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса); шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами; жўнатувчининг яшаш манзили ёки туғилган санаси ва жойи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилишлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда тижорат банки томонидан кўриладиган чоралар (ижро қилиш, рад этиш, тўхтатиш ёки бошқалар) тартибини белгиловчи, таваккалчиликларни баҳолашга асосланган ички ҳужжатни ишлаб чиқишлари керак.

39. Тижорат банклари норезидент-вакил банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги кўшимча маълумотларни уч иш куни давомида олиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Бундай имконият мавжуд бўлмаганда тижорат банклари бундай халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан шартномани бекор қилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

40. Тўлов ўтказмаларида воситачи (транзит банк) сифатида иштирок этувчи тижорат банклари:

электрон тўловларга илова қилинадиган жўнатувчи ва олувчи ҳақидаги барча маълумотларни, жўнатув тўғрисидаги маълумотлар билан бирга юборилишини ва беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сакланишини таъминлашлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари;

таваккалчиликларни баҳолашга асосланган ҳолда олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда тижорат банки томонидан амалга ошириладиган чоралар тартибини белгиловчи дастурни ишлаб чиқишлари керак;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда, бундай ўтказмалар ҳақида Департаментга хабар бериш масаласини кўриб чиқишлари керак.

41. Агар ушбу миждоз ва миждознинг ҳақиқий эгаси мазкур Қоидаларга мувофиқ тижорат банки томонидан илгари идентификацияланган бўлса, миждозни ва миждознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди.

42. Миждоз ва миждознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар ишончлилигига гумон туғилган тақдирда амалга оширилиши лозим.

43. Миждоз ва миждознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда тижорат банки олинган маълумотларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган ва тижорат банкларига тақдим қилинадиган, мазкур Қоидаларнинг 52-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт.

Миждоз ва миждознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда

тижорат банки мазкур Қоидаларнинг VIII бобида ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

44. Тижорат банклари қуйидаги ҳолларда миждозга операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахснинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

45. Тижорат банкларига қуйидагилар тақиқланади:

аноним шахсларга, яъни ҳисобварақ (омонат) очаётган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, ҳисобварақ (омонат) очиш;

ўйлаб чиқарилганлиги аниқ бўлган номларга ҳисобварақлар очиш;

ҳисобварақ очаётган шахснинг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз ҳисобварақ очиш;

ўзлари ва доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида жойлашмаган норезидент-банклар билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш;

тақдим этувчига бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар чиқариш;

миждозни идентификацияламасдан чет эл валютасидаги пул маблағларини олиш ёки жўнатиш бўйича хизматларни кўрсатиш, шу жумладан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали;

Рўйхатга киритилган шахслар билан операцияларни амалга ошириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар ҳудудида шўъба банклари, филиаллар ёки ваколатхоналар ташкил этиш.

46. Миждозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда тижорат банки бу ҳақида Департаментга ха-

бар бериш масаласини кўриб чиқиши ва бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

47. Норезидент-банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар талаблари бузилиши ҳолатлари ҳақида ахборот мавжуд бўлган тақдирда, тижорат банки бошқаруви ушбу вакил банк билан ҳамкорликни тўхтатишгача бўлган тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши керак.

IV б о б. Гумонли ва шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари

48. Операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

тижорат банки томонидан таваккалчилик даражаси юқори деб берилган операция ёки уни амалга ошираётган мижоз;

резидент-мижоз томонидан товар етказиб бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) шартномаси бўйича аввал олинган суммани норезидент фойдасига мунтазам равишда қайтариб берилиши;

операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар тижорат банкида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

операцияни амалга ошириш учун ариза (топшириқ, илтимоснома) билан мурожаат қилинганда мижознинг хатти-ҳаракатларининг ғайриоддийлиги, масалан: асабийлашиши, иккиланиш, мижознинг ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун мурожаат қилиши;

мижознинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки тижорат банки томонидан операция ҳақида

сўралган маълумотларни миждоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд тақдим этилишида асоссиз кечиктирилиши;

амалга ошириладётган операция бўйича миждоз ҳамкорларини аниклаш имкони йўқлиги;

операция аниқ иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва миждоз фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофик келмаслиги;

миждоз фаолияти тавсифига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ҳисобварағида пул маблағлари айланмасининг асоссиз кўпайиши;

тиждорат банки иштирокида миждоз томонидан бажариладётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умумқабул қилинган амалиётига яққол номувофиклиги;

миждоз томонидан бажариладётган операцияларга ўхшаш операцияларнинг суммалари асоссиз тақсимланиши;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби миждознинг одатий фаолиятидан фарқ қилувчи ностандарт ёки ғайриоддий мураккаб схемалардан иборат бўлиши;

миждоз томонидан аввал келишилган операциянинг амалга ошириш схемасига унинг амалга оширилиши бевосита бошланишидан олдин, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг ҳаракат йўналишига тааллуқли бўлган муҳим ўзгартиришлар киритилиши;

жисмоний шахс томонидан айирбошлаш қунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада бир қийматдаги банкнотларни бошқа қийматдаги банкнотларга айирбошлаш;

жисмоний шахс томонидан операция амалга оширилиш қунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишидаги пул маблағларини юридик шахснинг ёки яққа тартибдаги тадбиркорнинг банк ҳисобварағига қарз, кредит, молиявий ёрдам, устав фонди (капитал)га кўйилма сифатида киритилиши;

норезидент томонидан резидентга грантлар, молиявий ёрдам, қарз ёки беғараз ёрдам сифатида пул маблағлари берилиши;

юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан операция амалга оширилиш қунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки

ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини молиявий ёрдам ёки қарз сифатида кўчирилиши;

жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини дивиденд сифатида кўчирилиши;

бир контрагентнинг терминалидан бир кун давомида беш ва ундан ортиқ халқаро тўлов карталаридан ҳар бир картанинг операцияси миқдори энг кам иш ҳақининг 25 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммадаги операциялар (тўлов ёки нақд пул ечилиши) амалга оширилиши.

49. Операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

операция бажарувчи томонлардан бири жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

жисмоний шахслар томонидан, шу жумладан пул ўтказмалари тизимлари орқали бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасида чет элдан жўнатилган пул маблағлари олиними ёки чет элга пул маблағлари жўнатилиши;

жисмоний шахслар томонидан бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағлари сотилиши ёки сотиб олиними;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига аноним шахсга очилган ҳисобвараққа пул маблағлари кўчирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасига аноним шахсга очилган ҳисобварақдан ёки жўнатувчиси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган пул маблағларининг ўтказилиши;

пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига оффшор ҳудудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган

шахсларнинг ҳисобварағига ёки фойдасига ўтказилиши, ёхуд бундай шахсларнинг ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикасига 30 кун давомида охириги ўтказиш (келиб тушиш) кунида белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган умумий суммада маблағлар бир маротаба ёки кўп маротаба ўтказилиши (келиб тушиши);

тақдим этувчига тегишли акцияларнинг эмитенти ҳисобланган норезидент шахслар билан операциялар;

тижорат банки томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операция;

мазкур бандда назарда тутилган мезон ва аломатларга эга бўлмаган, мазкур Қоидалар ва тижорат банкининг ички қоидалари билан белгиланган гумонли операциялар тоифасига кирмайдиган, бироқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва (ёки) терроризмни молиялаштиришга алоқадорлигига тижорат банкида шубҳа мавжуд бўлган операциялар.

50. Ички қоидалар билан гумонли операцияларни кўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

51. Тижорат банклари барча мураккаб, ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига қучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

V б о б. Алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операциялар мезонлари

52. Операция бажарувчи томонларидан бири қуйидаги шахслар ҳисобланиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлганда ҳар қандай операция хабар қилиниши лозим:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки бил-

восита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс.

53. Агар унинг бир томонларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда доимий яшаётган, жойлашган ёки рўйхатдан ўтган шахслар бўлса, ушбу операциялар ҳам Департаментга хабар қилиниши лозим.

VI б о б. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

54. Тижорат банки таваккалчилик даражасини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш ва уни камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриши керак.

Таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартиби ички қоидалар билан белгиланади.

Таваккалчилик даражаси миқдорнинг амалга оширадиган операциялари турлари ва мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар ҳамда миқдорни лозим даражада текшириш натижаларини, миқдор ва операция билан боғлиқ таваккалчилик (миқдорлар, мамлакатлар ва географик ҳудудлар) омилларини инобатга олган ҳолда миқдор тақдим қилган маълумотлар асосида, масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

55. Тижорат банки аввалдан куйидаги мезонларга жавоб берадиган миқдорларни юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритиб, уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ҳақида; ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорати остида эканлиги ҳақида; ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд

уни назорат қилаётганлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлган шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) тақдим этувчига бўлган акцияларнинг эмитенти ҳисобланган норезидент – юридик шахслар;

г) оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

д) оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган резидент ва норезидентлар;

е) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

ж) фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

з) ҳақиқий эгаси мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

и) мунтазам равишда (масалан, 3 ой ичида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

к) мижознинг шахсан иштирокисиз операцияни амалга ошириш имконини берувчи дастурий мажмуаларидан фойдаланувчи мижозлар;

л) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

56. Тижорат банки куйидаги мезонларга жавоб берадиган операцияларни юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритиши ва уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг 55-банди «а», «б» ва «з» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган операциялар;

б) оффшор ҳудудда очилган ҳисобварақлар орқали амалга ошириладиган операциялар;

в) қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган заргарлик буюмлари билан операциялар, тижорат банк-

лари ўзлари амалга оширадиган бундай операциялардан ташкари;

г) жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлари (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва ҳисоб рақами) тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар;

д) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

57. Мижоз ёки мижоз томонидан амалга ошириладиган операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда, Ички назорат хизмати ушбу мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиши шарт.

58. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига караб, Ички назорат хизмати зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб бориши лозим.

59. Ички назорат хизмати ички қоидаларда белгиланган тартибда юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча мижозларнинг ҳисобини юритиши керак.

60. Тижорат банки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишини олдини олишга қаратилган чораларни кўриши керак. Ушбу мақсадда тижорат банки:

янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши;

янги ва мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлаши ва баҳолаши керак.

61. Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги хизмат турларини, иш амалиётини татбиқ қилишдан ёки янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак. Бунда, бундай таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш тижорат банкининг янги хизмат турларини (янги технологияни) бевосита жорий қилаётган бўлинмаси томонидан Ички назорат хизмати билан биргаликда амалга оширилади.

Тижорат банкининг мазкур бўлинмаси ва Ички назорат хизмати ушбу таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва камайтириш учун тегишли чораларни кўришлари лозим.

Кўрилган чоралар натижалари тўғрисидаги маълумот банк бошқарувига тақдим қилиниши керак.

62. Масофавий хизматларни кўрсатувчи тижорат банклари таваккалчиликни камайтириш мақсадида:

масофавий хизматларни кўрсатиш тўғрисида мижозлар билан имзоланадиган шартномаларда мижоз томонидан ушбу хизматлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда кўриладиган чоралар (бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида мижоз ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматларни кўрсатишни тўхтатиб туриш; ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш)ни кўзда тутишлари керак;

масофавий хизматлардан фойдаланилган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганлиги ҳақидаги гумонлар мавжуд бўлганда тижорат банки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган шахс томонидан операциялар амалга ошириладиётганлигини мижознинг жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиш ҳуқуқига эга;

масофавий хизматлардан фойдаланилган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганда, бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган муддатга масофавий хизматларни кўрсатишни тўхтатишлари керак;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида масофавий хизматлардан фойдаланилганлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганда бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни ўрнатилган тартибда бекор қилишлари керак.

Масофавий хизматлардан фойдаланаётган мижозни у жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзилда ўрганиш жараёнида, тижорат банки мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом (рўйхат

рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) талабларига риоя қилинишини, жумладан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, уларнинг миқдорнинг вақолатли шахслари (раҳбари, бош ҳисобчиси) томонидан имзоланиб тасдиқланиши, ушбу ҳужжатлар бўйича ўтказмалар фақат айнан электрон имзолаш ҳуқуқи мавжуд бўлган шахс томонидан электрон имзолаш орқали тасдиқлангандан кейин амалга оширилишига, мазкур ҳужжатларнинг сақланишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

VII б о б. Гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш

63. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек миқдор билан ишлашга берилган таваккалчилик даражаси миқдор томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг миқдор фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун мониторингга асос бўлиб ҳисобланади.

64. Миқдорларни идентификациялаш ва улар операцияларининг жорий текшируви лавозим мажбуриятларига мувофиқ тижорат банкининг миқдорларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) ходимлар томонидан ўтказилади, улар шубҳали ва (ёки) гумонли аломатлари мавжуд операциялар аниқлаган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига ва Ички назорат хизмати ходимларига ёзма равишда зудлик билан хабар бериши лозим.

Миқдорлар операцияларининг кейинги текшируви Ички назорат хизмати ходимлари томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, миқдорнинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

65. Гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар аниқланганда тижорат банкининг миқдорларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари Ички назорат хизмати-нинг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказилаётган опера-

ция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан миждозга муружда-
ат қиладилар.

66. Ички назорат хизмати ходимлари миждоз ва операция
ҳақидаги маълумотларни ўрганадилар, тегишли маълумотларни
махсус журналга ва миждоз анкетасида қайд этадилар ҳамда етар-
ли асослар мавжуд бўлганда Ички назорат хизмати раҳбарига гу-
монли операцияни шубҳали сифатида таснифлаш ҳақида таклиф
юборадилар.

67. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда Ички назорат
хизмати раҳбари миждоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш
тўғрисида ёзма қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақида банк
бошқаруви раисига маълум қилади.

68. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида
ҳолатда мазкур Коидалар ҳамда тижорат банкининг ички
коидалари билан белгиланган мезонлар ва аломатлардан фойда-
ланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

69. Миждоз операциясини шубҳали деб тан олингандан сўнг,
Ички назорат хизмати қуйидаги чораларни кўриши керак:
шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш;
миждоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;
миждознинг таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш;
миждознинг операциялари устидан мониторингни кучайти-
риш;

конун ҳужжатларига ва миждоз билан тузилган шартнома-
га мувофиқ шартнома муносабатларини тўхтатиш масаласини
кўриб чиқиш.

70. Шубҳали операция ҳақидаги хабар Ички назорат хизма-
ти томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги
иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳкамасининг 2009 йил 12 октябрдаги 272-сон қарори
(Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2009
й., 42-сон, 450-модда) билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни моли-
ялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ Департа-
ментга берилади.

71. Ҳар бир хабар тўғрисидаги маълумот махсус журналга кiritилади.

Ички назорат хизмати ҳар куни Департаментга юборилган хабар ҳақида, электрон хабардаги барча ахборотлар акс эттирилган жадвалда қоғоз шаклида маълумот шакллантиради. Мазкур жадвал ижрочи томонидан имзоланиши ва Ички назорат хизмати раҳбари томонидан тасдиқланиши керак.

Бундай жадваллар шакллантирилаётганда электрон хабарларни қоғоз шаклида чиқариш талаб қилинмайди. Департаментга юборилган хабар электрон шаклдан қоғоз шаклига чиқарилганда Ички назорат хизмати раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади.

Ички назорат хизмати раҳбари бўлмаган ҳолатда юборилган хабарлар ҳақидаги жадвал ва (ёки) хабарнинг қоғоз шаклидаги нусхаси тижорат банки бошқаруви раисининг ёзма берган ваколлати асосида Ички назорат хизмати раҳбарининг ўринбосари ёки масъул ходим томонидан имзоланади.

72. Департаментга юборилган барча хабарлар ва юборилган хабарлар ҳақида жадвал шаклидаги маълумот бевосита Ички назорат хизмати раҳбари томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

73. Тижорат банклари, шунингдек тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол Департаментга хабар беришлари зарур.

VIII б о б. Алоҳида ҳолларда хабар берилиши лозим бўлган операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

74. Агар миждоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки ушбу муносабатларни амалга оширишда, ёхуд бир мартабалик операцияларни ўтказишда тижорат банки ходимларида мазкур Қоидаларга мувофиқ операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, бу ҳақида зудлик билан бундай операция аниқланган куннинг ўзида Ички назорат хизматига хабар берилиши керак. Ўз навбатида Ички назорат хизмати қуйидаги чора-тадбирларни кўриши лозим:

мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини батафсил идентификациялаш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш тўғрисида асослантирилган фармойиш қабул қилиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида операция тўғрисидаги хабарни Департаментга юбориш учун тайёрлаш;

мижоз ҳақида қўшимча маълумотларни олиш (шу жумладан, фаолият тури, активлари миқдори, очиқ маълумотлар базаси орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар ва шу кабилар);

мижоз амалга ошираётган операцияларини доимий мониторинг қилиш;

мижознинг пул маблағлари ёки молиявий ҳолатининг манбасини, шу жумладан мижоздан маълумот олиш орқали аниқлаш бўйича чораларни кўриш;

операция ҳақидаги маълумотни махсус журналга киритиш.

75. Бундай операцияни тўхтатиш, шу жумладан банк хизматларини кўрсатишни рад этиш фақатгина тижорат банкида мижоз тўғрисидаги мавжуд ахборотлар Рўйхатдаги маълумотлар билан тўлиқ мос келган тақдирда амалга оширилади.

76. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

Мижоз топшириғи операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқлари рўйхатга олинадиган алоҳида журналда рўйхатга олиниши, шунингдек операция тўхтатилиши муддати тугагунига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим.

Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади.

77. Департаментнинг операцияни икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси мавжуд бўлганда, тижорат банки уни кўрсатилган муддатгача тўхтатади.

IX б о б. Тижорат банклари томонидан Департамент сўровларининг бажарилиши

78. Департамент жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан тижорат банкларининг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан ёзма сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга.

79. Тижорат банклари Департаментнинг ёзма сўровлари бўйича кўшимча маълумотларни тақдим қиладилар.

80. Хорижий давлатнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи ваколатли органининг сўрови мавжуд бўлганда Департамент Марказий банк орқали тегишли сўровни тижорат банкларига тақдим этади. Тижорат банклари бундай сўров асосида сўралаётган маълумотни Департаментга тақдим этадилар.

X б о б. Маълумотлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва махфийлигини таъминлаш

81. Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган тўлиқ ёки қисман хорижий тилда тузилган ҳужжатлар тижорат банки томонидан, зарур ҳолларда, давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши шарт.

82. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, тижорат банки танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

83. Ички назорат хизмати амалга оширилаётган чораларни расмийлаштириш мақсадида ўзининг барча бўлинмаларини (операциялар ҳақидаги хабарларни олиш, таҳлил қилиш ва бериш билан шуғулланувчи) ва масъул ходимларини махсус журналлар билан таъминлаши керак.

Махсус журнал ип ўтказиб тикилган, рақамланган ва унинг орқа томонида саҳифалар сони, журнални юритиш бошлан-

ган сана (йил, ой, кун) кўрсатилган ва Ички назорат хизмати раҳбарининг имзоси кўйилган бўлиши керак.

Махсус журналда операция ҳақидаги барча маълумотлар (махсус журналга киритиладиган маълумот тартиб рақами ва санаси; мижоз номи (мижоз хос рақамини кўрсатган ҳолда); операция тури, суммаси ва амалга оширилган санаси; мижоз контрагенти ҳақидаги маълумотлар; операция юзасидан маълумот тақдим қилган бўлинма номи; операция бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида маълумот, шу жумладан хабар берилган сана ва рақами; ва бошқалар).

84. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ мижоз анкетасида қайд этилади. Тижорат банки ички ҳужжатларга мувофиқ мижоз анкетасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

85. Барча мижозлар (лозим даражада текшириш талаб этилмайдиган мижозлар бундан мустасно) бўйича анкеталар махсус дастурлар ёрдамида электрон шаклда тўлдирилади. Гумонли ва (ёки) шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозлар бўйича анкеталар қоғоз шаклида ҳам тўлдирилади.

Электрон шаклда тўлдирилган мижоз анкетаси қоғоз шаклида чиқарилганда тижорат банкининг бош бухгалтери ёки у бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари ёхуд масъул ходим томонидан тасдиқланади.

86. Электрон шаклда тўлдирилган анкеталар тижорат банкининг мижозларни идентификациясини амалга оширувчи ходимларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

Мижозларнинг қоғоз шаклида тўлдирилган анкеталари мижозлар мақоми бўйича (юридик ва жисмоний шахслар бўйича) хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва Ички назорат хизмати ходими томонидан сақлаб борилади.

87. Мижоз анкетаси тижорат банкида мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

88. Мижоз анкетасида курсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек у томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, тижорат банклари зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб бориши лозим.

89. Операциялар тўғрисидаги ахборот зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

90. Тижорат банклари операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

91. Ички назорат хизмати фаолиятида ишлатилган ҳужжатларга (Марказий банк ва Департамент билан ёзишмалар, шу жумладан Департаментга берилган қоғоз ва электрон шаклдаги хабарлар; мижозларнинг қоғоз ва электрон шаклидаги анкеталари; журналлар ва бошқалар) кириш имкониятини чегаралаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевоқифа Ички назорат хизмати (масъул ходим) томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин камида беш йил мобайнида сақланиши керак.

92. Электрон шаклдаги ҳужжатлар дастурлаш усули асосида архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилиши ва Ички назорат хизмати раҳбари томонидан уларнинг рўйхати билан бирга ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

Ҳужжатлар сақланиш муддати тугаши билан ўрнатилган тартибда тижорат банки архивига топширилади.

93. Тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга, шу жумладан тижорат банки архивида сақланаётган ҳужжатларга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъмин-

лайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Тижорат банки ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни унинг ходимлари томонидан ошкор қилинмаслигини (ёки шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайди.

94. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан анкетадан миқознинг идентификация маълумотларини тақдим қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

95. Миқозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, тижорат банки миқоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш таваққалчилиги юқори деб баҳолаган тақдирда камида бир йилда бир маротаба, бошқа ҳолларда камида уч йилда бир маротаба ва миқоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда янгиланиб борилиши лозим.

96. Бир маротабалик операцияларни амалга оширган миқозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар, миқозни лозим даражада текшириш қораларини қўриш талаб қилинган кейинги операцияларни бажаришда янгиланади.

XI б о б. Тижорат банкининг, Ички назорат хизмати ҳамда бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимларининг жавобгарлиги

97. Тижорат банклари, шу жумладан Ички назорат хизмати ва бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимлари мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

98. Қонун ҳужжатлари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тижорат банки ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолган тижорат банки ходимлари ушбу далилларни дарҳол Ички назорат хизмати раҳбарига ёки ходимларига ёзма равишда етказадилар.

ХII б о б. Якуний қоидалар

99. Тижорат банклари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Марказий банк томонидан ва зарур ҳолларда Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

100. Тижорат банки бошқаруви ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, тижорат банки ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилиб боради ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек зарур ҳолда самарали ишлашини таъминлаш учун унинг фаолиятини кучайтиради.

Ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қилиш тижорат банки ички аудит хизмати томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

101. Ички аудит хизмати ёки бошқа назорат хизматлари томонидан аниқланган ички назорат тизимининг камчиликлари ўз вақтида тижорат банки бошқаруви раисига маълум қилинади. Маълумотни олгандан сўнг тижорат банки бошқаруви раиси аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

*Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат қондаларига
1-ИЛОВА*

**Жисмоний шахсларни
идентификациялашда зарур бўладиган
маълумотлар**

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат реквизитла-
ри: ҳужжат серияси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни
берган орган номи.
6. Солик тўловчининг идентификацион рақами (агар мавжуд
бўлса).
7. Уй телефони рақами (агар мавжуд бўлса).

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур буладиган маълумотлар

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур буладиган маълумотлар:

а) тўлик, шунингдек, агар, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

г) жойлашган ери (почта манзили);

д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;

ж) имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификацияси тўғрисида маълумотлар;

з) юридик шахс таъсисчилари (йирик акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда мижознинг устав фонди (капитали) даги уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

а) мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида кўзда тутилган маълумотлар;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, ракам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) фаолият амалга ошириладиган жой;

г) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

д) фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия раками, берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;

е) телефон ракамлари.

Мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотлар

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган мазкур Қоидаларнинг 1, 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.
2. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан таваккалчиликни баҳолаш асослари.
3. Банк томонидан миждозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
4. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана – тижорат банкидаги биринчи банк ҳисобварағи (омонати) очилган сана.
5. Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
6. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.
7. Қоғоз шаклидаги миждоз анкетасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги миждоз анкетасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
8. Ички қоидаларда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

**НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА
ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ
БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ
ҚОИДАЛАРИ**

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5,31-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда 2027-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Адлия вазирлигида 2010 йил 2 февралда 2027-1-сон, 2010 йил 19 ноябрда 2027-2-сон, 2013 йил 28 мартда 2027-3-сон билан рўйхатга олиниб киритилган ўзгартиришлар билан)

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 й., 37–38-сон, 372-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда) қонунларига мувофиқ нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

нобанк кредит ташкилот – Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ва тегишли фаолият турини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган ломбард ёки микрокредит ташкилоти;

ички назорат – нобанк кредит ташкилотининг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир;

Ички назорат хизмати – нобанк кредит ташкилотининг ички назоратнинг амалга оширилиши бўйича масъул бўлган махсус бўлинмаси;

масъул ходим – ички назоратнинг амалга оширилиши учун масъул шахс;

Ички назорат тизими – мазкур Қоидалар ва ички қоидаларда белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширадиган ҳаракатлари йиғиндиси;

ички қоидалар – нобанк кредит ташкилотларида ва унинг филиалларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

махсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Бошқармаси (кейинги ўринларда – Департамент);

мижоз – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида нобанк кредит ташкилотига ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

мижознинг хақиқий эгаси – юридик шахс – мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахс, яъни мижоз ва (ёки) амалга оширилаётган операциядан манфаат кўрадиган шахсга нисбатан мулккий ёки назорат ҳуқуқига эга бўлган бир ёки бир неча шахслар;

операция иштирокчилари – мижозлар, уларнинг вакиллари ҳамда мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари;

гумонли операция – мазкур Қоидаларни жорий қилиш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида нобанк кредит ташкилотида гумон уйғотувчи, уни шубҳали операциялар туркумига киритиш (киритмаслик) ҳақида қарор қабул қилгунга қадар бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция;

шубҳали операция – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни жорий қилиш жараёнида нобанк кредит ташкилотида уни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар – мазкур Қоидалар билан белгиланган шубҳалилик мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида аниқланадиган ҳамда Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

бир маротабалик операциялар – жисмоний шахслар томонидан бир маротабалик тартибда амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

мунтазам равишда амалга ошириладиган операциялар – таҳлил қилинадиган давр мобайнида миждоз томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

таҳлил қилинадиган давр – кейинги текширув босқичида нобанк кредит ташкилоти миждознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини таҳлил қиладиган ҳамда давомийлиги миждоз томонидан бажарилган операция турига кўра бир неча кундан бир неча ойгача бўлиши мумкин бўлган давр;

миждозларни лозим даражада текшириш – миждознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари

асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

мижозни идентификациялаш – нобанк кредит ташкилоти томонидан мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижозлар ҳақидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш – нобанк кредит ташкилоти томонидан конун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ёки ҳудудлар;

оффшор ҳудуд – имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошқор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органлар – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар фаолияти устидан контроль ва назорат қилиш функцияларига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи, лицензияловчи, рўйхатдан ўтказувчи ва бошқа давлат органлари.

3. Ички назорат тизими мақсади қуйидагилар ҳисобланади:
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

нобанк кредит ташкилотининг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали)га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек нобанк кредит ташкилотини бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

4. Ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ миқозларни лозим даражада текшириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

миқозларнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш бўйича асосли ва кўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

тегишли қарорлар қабул қилиш учун нобанк кредит ташкилоти раҳбариятини зарур бўлган аниқ ахборотлар ва материаллар билан оператив ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операциялар амалга оширилган ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан алоқадор шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек бундай маълумотларни бошқа кредит ташкилотлари ҳамда давлат органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қонунга хилоф иш қилиш, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун нобанк кредит ташкилотлари хизматларидан фойдаланиш таҳдидининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш;

нобанк кредит ташкилотлари фаолиятидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.

5. Ички назорат тизими мақсад ва вазифаларига эришиш учун масъул ходим ёки Ички назорат хизмати қуйидагилар бўйича функцияларни бажаради:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун нобанк кредит ташкилоти хизматларидан фойдаланиш таҳдидининг олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, мазкур Қоидаларда ва ички қоидаларда кўзда тутилган чораларни кўриш;

нобанк кредит ташкилоти томонидан қонун ҳужжатлари ва ички қоидалар талабларига риоя этиш мониторингини амалга ошириш:

нобанк кредит ташкилоти фаолиятидаги қонун ҳужжатлари ва ички қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан раҳбарият кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади), Департаментнинг ваколатли ходимлари, нобанк кредит ташкилотининг ички аудит хизмати ходимлари ва ташки аудиторлар томонидан ўтказилган текширув жараёнида ички назорат тизимини ташкиллаштириш ва унинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этилишини мониторинг қилиш; ички назоратни ташкил этиш, ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талаблари бузилиш ҳолатларини огоҳлантириш ва бартараф этиш масалалари бўйича Марказий банк ва Департамент билан ҳамкорлик қилиш.

6. Нобанк кредит ташкилотлари мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички қоидаларни, қуйидагиларни акс эттирган ҳолда, ишлаб чиқиши лозим: (ички назорат тизимини ташкил этиш тартиби ва унинг тузилмаси;

мижозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан, мижозларни ва уларнинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек мижозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалга ошириш қоидалари;

зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;

гумонли операцияларни аниқлашнинг қўшимча мезонлари ва уларнинг аломатлари;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид хатарларни аниқлаш, баҳолаш, уларни камайтириш ва расмийлаштириш бўйича те-

гишли чораларни кўриш тартиби ҳамда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

Нобанк кредит ташкилотининг ички қоидалари мазкур Қоидаларга мувофиқ бўлиши ҳамда аниқланган хатарлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб тузилиши керак. Ички қоидалар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар нобанк кредит ташкилотининг олий бошқарув органи ёки қузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

II. Ички назорат тизимини ташкиллаштириш

7. Ички назорат тизими нобанк кредит ташкилоти фаолиятининг жиҳатлари, асосий йўналиши, миқозлар базаси ва миқозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ хатарлар даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

8. Ички назорат тизими тузилмаси, шу жумладан, нобанк кредит ташкилотининг филиалларидаги тузилмаси ташкилотнинг юқори ёки қузатув бошқарув органининг қарори билан белгиланади ва Марказий банкнинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим.

9. Ички назорат нобанк кредит ташкилотининг юқори ёки қузатув органи томонидан тайинланадиган масъул ходим ёки нобанк кредит ташкилотининг Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари, шунингдек ташкилотнинг ҳар бир филиалидаги масъул ходим томонидан амалга оширилади.

10. Ички назорат хизмати ички назорат мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларни унумли бажариш учун етарли миқдорда ходимлар билан шакллантирилади.

Ходимларининг ўртача йиллик сони 25 кишидан ортиқ бўлмаган ва филиалларга эга бўлмаган нобанк кредит ташкилотида масъул ходим функциялари ташкилот раҳбарига ёки бош бухгалтерга юклатилиши мумкин.

11. Масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг раҳбари лавозимига тайинланувчи шахсдан қуйидагилар талаб қилинади:

нобанк кредит ташкилотлари фаолияти соҳасидаги жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терро-

ризмни молиялаштиришга карши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларини билиш;

бухгалтерия ҳисоби қоидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш, шунингдек мунтазам равишда малакани ошириш бўйича махсус ўқув курсларида иштирок этиш.

12. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари лавозимига қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

ўз фаолияти ва ахлоқида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни виждонан юритмаганини намоён этган шахслар;

иктисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

13. Нобанк кредит ташкилоти ички назорат тизими тузилмасини шакллантириш, нобанк кредит ташкилотининг масъул ходимини ёки Ички назорат хизмати раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилгандан сўнг 10 (ўн) кун муддат мобайнида, тайинланган шахслар тўғрисидаги сўровнома маълумотларини илова қилган ҳолда бу ҳақда Марказий банкка хабар бериши лозим.

14. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида нобанк кредит ташкилоти бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан керакли фармойиш берувчи ва бухгалтерия ҳужжатларини талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, нобанк кредит ташкилотининг электрон маълумотлар базаларида, локал ҳисоблаш тармоқлари ва автоном компьютер тизимларида сақланадиган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмалари мутахассисларидан ёрдам сўраш ва олиш;

нобанк кредит ташкилоти бўлинмаларининг хоналарига кириш, шунингдек нобанк кредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг ёзма рухсатномаси билан ҳужжатлар сақланиши учун фойдаланиладиган (архивлар), нақд пул ва қимматликлар

сақланадиган (пул омбори), компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва маълумотларни электрон шаклда ташувчи қурилмаларда сақлаш хоналарига кириш;

ижро этувчи орган раҳбарининг ёзма розилиги билан терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ҳақида нобанк кредит ташкилоти филиаллари раҳбарларига кўрсатмалар бериш;

мижозларнинг операцияларига нисбатан келгуси ҳаракатлари, жумладан, конун ҳужжатларига мувофиқ мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча маълумот олиш ёки мавжуд маълумотларни текшириш юзасидан нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органига таклифлар тақдим этиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш.

15. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари нобанк кредит ташкилоти номидан тўлов (ҳисоб-китоб) ва бухгалтерия, шунингдек нобанк кредит ташкилоти зиммасига хатарлар келтирадиган бошқа ҳужжатларни имзолаш ёки ушбу ҳужжатларга имзо қўйиш орқали розилик билдириш (визалаш) ҳуқуқига эга эмас, мазкур Қоидаларнинг 10-бандининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари.

16. Масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

нобанк кредит ташкилотининг тегишли бўлинмаларидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

ўз вазифаларини амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, уларни расмийлаштириш ва қамайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

17. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари бевосита нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбарига ҳисобдор ва нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмаларидан мустақилдир.

Нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходими бевосита нобанк кредит ташкилотининг Ички назорат хизмати раҳбарига ҳисобдордир.

18. Нобанк кредит ташкилоти бўлинмаларининг ходимлари масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига унинг вазифаларининг амалга оширилишида мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ кўмаклашадилар.

19. Нобанк кредит ташкилотининг бўлинмалари ходимларининг масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат тартиби ички қоидалар билан белгиланади.

20. Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

21. Нобанк кредит ташкилотлари қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак:

а) фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга киришишда, жумладан:

грант ва текин тақдим қилинувчи бошқа маблағларни олганда;

қарз ва кредитларни олганда (жалб қилганда);
таъсисчилар (иштирокчилар, акциядорлар) таркибига янги шахслар кирганда;

мижоз операцияларни амалга ошириш бўйича ариза билан муурожаат қилганда;

учинчи шахслар мижознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараварига тенг ёки ундан ортик бўлган суммадаги мажбуриятларини бажариш учун муурожаат қилганида;

б) мижоз энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараварига тенг ёки ундан ортик бўлган суммада бир марталик маслаҳат ёки ахборот хизматларидан фойдаланишни сўраб ариза билан муурожаат қилганда;

в) шубҳали операциялар ёки алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операциялар амалга оширилганда;

г) мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳалар мавжуд бўлганда.

22. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

23. Нобанк кредит ташкилоти томонидан мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасининг идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек, операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.

Олинган ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлса, нобанк кредит ташкилотлари

ушбу ахборотларни (хужжатларни) текшириш (верификациялаш) бўйича чораларни кўришлари лозим. Бундай ҳолатларда, нобанк кредит ташкилотлари миждозлар ҳақидаги ахборотларнинг (хужжатларнинг) ишончилигини (ҳақиқийлигини) аниқлаштириш учун тегишли ташкилотларга мувожаат қилишга ҳақли.

24. Миждозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча хужжатлар улар тақдим этилган санада кучини йўқотмаган бўлиши шарт.

25. Нобанк кредит ташкилоти томонидан жиждозий шахс – миждозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи хужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган хужжат) асосида амалга оширилади. Бунда, нобанк кредит ташкилоти муस्ताкил равишда бундай хужжатнинг асли билан танишиб чиқиши ва ушбу хужжатдан нусха олиши шарт.

26. Юридик шахс – миждозларга нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар баждарилаётганда нобанк кредит ташкилотлари улардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатларни, рахбарияти ҳақидаги, шунингдек таъсис хужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим.

Агар миждоз ёки миждознинг ҳақиқий эгаси мулкчилик таркиби тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди.

27. Нобанк кредит ташкилоти юридик шахс – миждозни батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

миждознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, миждознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилаётган шахсларни аниқлашга;

миждоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

миждоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.

28. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

29. Мижозни ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди, агар ушбу мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгаси мазкур Қоидаларга мувофиқ нобанк кредит ташкилоти томонидан аввал индентификацияланган бўлса.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар аниқлигига гумон туғилган ҳолларда амалга оширилиши лозим.

30. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда нобанк кредит ташкилоти олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган ва нобанк кредит ташкилотларига тақдим қилинадиган, мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда нобанк кредит ташкилоти мазкур Қоидаларнинг VIII бобида ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

31. Нобанк кредит ташкилотлари қуйидаги ҳолларда мижозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахс бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўралаётган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

32. Нобанк кредит ташкилотларига қуйидагилар тақиқланади: мижознинг шахсан ўзи ёки унинг вакили бўлмаган ҳолларда хизмат кўрсатиш;

сохта номдаги шахсларга хизматлар кўрсатиш;

мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларисиз кредит ва қарз бериш ҳамда факторинг хизматларини амалга ошириш;

ломбардларда – мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларисиз мулкларни сақлаш учун қабул қилиш.

33. Мижозни лозим даражада текширишни амалга оширишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда нобанк кредит ташкилоти Департаментга хабар бериш масаласини кўриб чиқиши ва иш муносабатларига киришишни ёки бундай мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини амалга оширишни рад этишга ёхуд у билан ҳар қандай иш муносабатларини тўхтатишга мажбур.

Нобанк кредит ташкилотлари:

юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида охир натижада мижознинг мулкдори бўлган ёки мижозни назорат қилувчи мижознинг ҳақиқий эгаси – жисмоний шахсни идентификациялаш бўйича, шу жумладан мижознинг ҳамда унинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)нинг мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари лозим;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда жойлашган ўзларининг шўъба ташкилотлари, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан тегишли халқаро стандартларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришлари керак;

чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилигида тегишли чоралар тақиқланганлиги сабабли, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, нобанк кредит ташкилотининг бош офисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдир-

лар. Ўз навбатида нобанк кредит ташкилотлари бу ҳақда Марказий банкка ва Департаментга хабар бериши шарт.

Нобанк кредит ташкилотларининг чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро стандартлар ва улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим.

IV. Гумонли ва шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари

34. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

1) учинчи шахслар томонидан миждознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараварига тенг ёки ундан ортик бўлган суммадаги мажбуриятларининг бажарилиши (мажбуриятларда шахсларнинг ўзгариши);

(Мазкур Қоидаларнинг 2) кичик банди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.03.2013 й. 2027-3-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

3) энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишида кредит ёки қарз олиниши;

4) жисмоний ёки юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг операцияда иштирок этишлари;

5) операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан, операция бажарувчи томонлардан бири ҳақидаги маълумотлар нобанк кредит ташкилотида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

б) операцияни амалга ошириш учун ариза билан мурожаат қилинганда миждознинг хатти-ҳаракатларининг ғайриоддийлиги, масалан: асабийлашиши, иккиланиш, миждознинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун мурожаат қилиши;

7) миждознинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки нобанк кредит ташкилоти томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларнинг миждоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд тақдим этилишида ноўрин кечиктирилиши;

8) амалга оширилаётган операция бўйича миждоз ҳамкорларини аниқлаш имкони йўқлиги;

9) операция иктисодий моҳиятга эга эмаслиги ҳамда юридик шахс ва (ёки) яққа тартибдаги тадбиркор – миждоз фаолиятининг тавсифига ва турига мувофиқ келмаслиги;

10) миждоз томонидан операция амалга оширилишини асосланмаган ҳолда тезлаштиришни талаб қилиниши;

11) нобанк кредит ташкилоти иштирокида миждоз томонидан бажарилаётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умумқабул қилинган амалиётига аниқ номувофиқлиги;

12) миждоз томонидан операциянинг аввал келишилган амалга ошириш схемасига унинг ижро қилиниши бевосита бошланишидан олдин, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар ҳаракат йўналишига тааллуқли бўлган жиддий ўзгартиришлар киритилиши.

35. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

1) операция бажарувчи томонлардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

2) нобанк кредит ташкилоти томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операция.

3) мазкур банднинг 1 ва 2-кичик бандларида назарда тутилган мезон ва аломатларга эга бўлмаган, мазкур Қоидалар ва нобанк кредит ташкилотининг ички қоидалари билан белгиланган гумонли операциялар тоифасига кирмайдиган, бироқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва (ёки) терроризмни молиялаштиришга алоқадорлигига нобанк кредит ташкилотида шубҳа мавжуд бўлган операциялар.

36. Ички қоидалар билан гумонли операцияларнинг қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

V. Алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операциялар мезонлари

37. Операция бажарувчи томонларидан бири куйидаги шахслар ҳисобланиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлганида ҳар қандай операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс.

VI. Хатар даражасини аниқлаш ва баҳолаш

38. Нобанк кредит ташкилоти миқоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилиши бўйича хатар даражасини (бундан буён матнда хатар даражаси деб юритилади) аниқлаш, баҳолаш ва уни камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриши керак.

Хатар даражаси миқоз тақдим қилган тегишли ҳужжатлар асосида, миқознинг амалга оширадиган операциялари турлари ва мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар ҳамда миқозни

лозим даражада текшириш натижаларини инобатга олган ҳолда маъсул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

39. Нобанк кредит ташкилоти аввалдан қуйидаги мезонларга жавоб берадиган миқозларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши ва уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорати остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

г) фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

д) ҳақиқий эгаси мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

е) мунтазам равишда (масалан, 3 ой давомида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи миқозлар;

е-1) миқозларнинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги энг кам иш ҳақининг 10 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлган суммадаги мажбуриятларини бажармоқчи бўлган шахслар;

ж) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

40. Нобанк кредит ташкилоти қуйидаги мезонларга жавоб берадиган операцияларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши ва уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг 39-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган операциялар;

б) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

41. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи ўзгарилишига қараб, нобанк кредит ташкилоти, зарур ҳолларда, у билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим. Нобанк кредит ташкилотлари барча мураккаб, ғайриоддий йирик миқдордаги операцияларга, шунингдек иқтисодий ёки қонуний мақсадсизлиги аниқ бўлган операцияни ғайриоддий амалга ошириш схемаларига қучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

VII. Гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш

42. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек мијоз билан ишлаш бўйича белгиланган хатар даражаси операцияларнинг мијоз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун ўтказиладиган мијозлар томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг мониторингига асос бўлиб ҳисобланади.

43. Мијозлар операцияларининг жорий текшируви нобанк кредит ташкилотининг мијозларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) тегишли ходимлари томонидан, лавозим мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур ходимлар, гумонли операциялар аниқланган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига, масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига ёзма равишда зудлик билан хабар беришлари шарт.

Мијозлар операцияларининг кейинги текшируви масъул ходим ёки Ички назорат хизмати томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, мијознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

44. Гумонли операциялар аниқланганда нобанк кредит ташкилотининг мијозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари

Ички назорат хизматининг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан миждозга мувожаат қиладилар.

45. Миждоз ва гумонли операция тўғрисидаги маълумотлар янада ўрганиб чиқилиши учун масъул ходимга ёки Ички назорат хизмати раҳбарига ёхуд нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходимга тақдим этилади.

Нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходими миждоз ва операция тўғрисидаги маълумотларни ўрганади ҳамда уларни Ички назорат хизмати раҳбарига юборади.

46. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари миждоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қилади.

47. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолда мазкур Қоидаларда белгиланган шубҳали операцияларнинг мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

48. Миждоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг, масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари нобанк кредит ташкилотининг миждозга нисбатан келгуси ҳаракатлари юзасидан, шу жумладан:

Департаментга шубҳали операция тўғрисида хабар бериш;

нобанк кредит ташкилотининг тегишли раҳбарларини ва унинг миждозлар билан бевосита фаолият юритадиган мутасадди бўлинмалари раҳбарларини операция шубҳали деб тан олинганлиги тўғрисида маълум қилиш;

миждоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;

миждоз билан ишлаш хатар даражасини қайта кўриб чиқиш;

миждоз билан операциялар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти;

қонун ҳужжатларига ва миждоз билан тузилган шартномага мувофиқ шартнома муносабатларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шубҳали операция ҳақидаги хабар нобанк кредит ташкилоти томонидан у аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томони-

дан белгиланадиган тартибга мувофик Департаментга берилади.

49. Ҳар бир хабар берилиши тўғрисидаги маълумот масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг махсус журналида қайд этиб борилади.

50. Нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол Департаментга хабар беришлари зарур.

VIII. Алоҳида ҳолларда хабар берилиши лозим бўлган операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

51. Агар мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки ушбу муносабатларни амалга оширишда, ёхуд бир маротабалик операцияларни ўтказишда масъул ходимда ёки Ички назорат хизматида мазкур Қондаларга мувофик операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари қуйидагилар бўйича чора-тадбирларни кўришлари лозим:

мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини батафсил идентификациялаш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш тўғрисида асослантирилган фармойиш қабул қилиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида операция тўғрисидаги хабарни Департаментга юбориш учун тайёрлаш;

операция ҳақидаги маълумотни масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг махсус журналига киритиш.

52. Операцияни тўхтатиш фақатгина нобанк кредит ташкилотида мижоз тўғрисидаги мавжуд ахборотлар Рўйхатдаги маълумотлар билан тўлиқ мос келган тақдирда амалга оширилади.

53. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

Мижоз топшириғи операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқлари рўйхатга олинадиган алоҳида журналда рўйхатга олинаши, шунингдек операция тўхтатилиши муддати тугагунига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим.

Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади.

54. Департаментнинг операцияни икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси мавжуд бўлганда, нобанк кредит ташкилоти уни кўрсатилган муддатгача тўхтатади.

IX. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан Департамент сўровларининг бажарилиши

55. Департамент жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан, нобанк кредит ташкилотининг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга.

56. Нобанк кредит ташкилотлари Департаментнинг сўровлари бўйича қўшимча маълумотларни тақдим қиладилар.

57. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи хорижий органлар сўров билан Департаментга мурожаат қиладилар. Департамент Марказий банк орқали тегишли сўровни нобанк кредит ташкилотларига тақдим этади. Нобанк кредит ташкилотлари бундай сўров асосида сўралаётган барча маълумотни Департаментга тақдим этадилар.

X. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва махфийлигини таъминлаш

58. Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган, тўлиқ ёки қисман хорижий тилда тузилган ҳужжатлар,

зарур ҳолларда, нобанк кредит ташкилоти томонидан давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши шарт.

59. Такдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ва бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, нобанк кредит ташкилоти танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхаларининг такдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

60. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-илова-сига мувофиқ шакл бўйича тузиладиган мижоз сўровномасида қайд этилади. Нобанк кредит ташкилоти ички қоидаларга мувофиқ мижоз сўровномасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

61. Сўровномалар махсус дастурлар ёрдамида барча мижозлар бўйича электрон шаклда тўлдирилади. Шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори даражадаги хатар тоифасига киритилган мижозлар бўйича сўровномалар қоғоз шаклида ҳам тўлдирилади.

Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қоғоз шаклида чиқарилганда нобанк кредит ташкилотининг бош бухгалтери ёки у бўлмаган тақдирда, унинг муовини томонидан тасдиқланади.

62. Мижозлар сўровномалари мижозлар мақоми бўйича (юридик ва жисмоний шахслар бўйича) хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва масъул ходим ёки Ички назорат хизмати томонидан сақлаб борилади.

Электрон шаклда тўлдирилган сўровномалар нобанк кредит ташкилотининг мижозларнинг идентификациясини амалга оширувчи ходимларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

63. Мижоз сўровномаси нобанк кредит ташкилотида мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

64. Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек у томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, нобанк

кредит ташкилотлари зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим.

65. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

66. Нобанк кредит ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни ҳамда хизмат ёзишмаларини конун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати фаолиятида фойдаланилган барча ҳужжатларга (Марказий банк ва Департамент билан ёзишмалар, жумладан тақдим этилган хабарларнинг қоғоз ва электрон шаклдаги нусхалари, мижозларнинг қоғоз ва электрон сўровномалари, журналлар ва бошқа) кириш имкониятини чеклаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевоқифа масъул ходим томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

Электрон шаклдаги ҳужжатлар дастурлаш йўли асосида архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилиши ва масъул ходим томонидан уларнинг рўйхати билан бирга ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

66-1. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати фаолиятида фойдаланилган ҳужжатлар қуйидаги муддатлар мобайнида сақланиши керак:

Департаментга тақдим этилган хабарларнинг қоғоз ва электрон шаклдаги нусхалари – 5 йил;

гумонли ва шубҳали операцияларни рўйхатга олиш китоблари – улар янгиси билан алмаштирилгандан кейин 5 йил;

Марказий банк, Департамент ва нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмалари билан ёзишмалар – 5 йил.

67. Нобанк кредит ташкилотлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаш-

тиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нобанк кредит ташкилоти ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни нобанк кредит ташкилоти ходимлари томонидан ошкор қилинмаслигини (ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайди.

68. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан, мижознинг идентификация маълумотлари таркибидан иборат бўлган сўровномадан маълумотлар тақдим қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

69. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, нобанк кредит ташкилоти мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш хатари юқори деб баҳолаган тақдирда камида бир йилда бир мартаба ҳамда бошқа ҳолларда камида уч йилда бир мартаба янгилашиб борилиши лозим.

XI. Нобанк кредит ташкилотининг, масъул ходимнинг, ички назорат хизмати ва бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимларининг жавобгарлиги

70. Нобанк кредит ташкилотлари, масъул ходим, Ички назорат хизмати ва ташкилотнинг бошқа бўлинмаларининг раҳбар ва ходимлари мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

71. Қонун ҳужжатлари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини нобанк кредит ташкилоти ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолган нобанк кредит таш-

килоти ходимлари ушбу далилларни дарҳол масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига ёзма равишда етказадилар.

ХII. Яқуний қоидалар

72. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Марказий банк томонидан ва зарур ҳолларда Департамент билан бир-галикда амалга оширилади.

73. Нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, нобанк кредит ташкилотининг ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилиб боради ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек зарур ҳолда самарали ишлашини таъминлаш учун унинг фаолиятини кучайтиради.

Нобанк кредит ташкилотида ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг фаолияти самарадорлигини мониторинги ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

74. Нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбари ички назорат тизими камчиликлари аниқланган тақдирда ушбу камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

*Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қондаларига
1-ИЛОВА*

**Жисмоний шахсларни
идентификациялашда зарур бўладиган
маълумотлар**

1. Фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат реквизитлари: ҳужжат серияси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи.
6. Солиқ тўловчининг идентификацион рақами (агар мавжуд бўлса).
7. Уй телефони рақами (агар мавжуд бўлса).

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

а) тўлиқ, шунингдек агар, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

г) жойлашган ери (почта манзили);

д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

ж) юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар;

з) юридик шахс таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

а) мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида кўзда тутилган маълумотлар;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) фаолият амалга ошириладиган жой;

г) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

д) фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия рақами, берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

е) телефон рақамлари.

Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган маълумотлар

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, мазкур Қоидаларнинг 1, 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.
2. Хатар даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, хатарни баҳолаш асослари.
3. Нобанк кредит ташкилоти томонидан миждозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
4. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана.
5. Мижоз сўровномаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
6. Мижоз билан ишлашга масъул ходим фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.
7. Қоғоз шаклидаги миждоз сўровномасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги миждоз сўровномасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
8. Ички қоидаларда белгиланадиган бошка маълумотлар.

**ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ
БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ,
МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРГА
НИСБАТАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ЧОРАЛАР ВА САНКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

*(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2009 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил
13 январда 2063-сон билан рўйхатга олинган,
Адлия вазирлигида 2013 йил 20 февралда 2063-1-сон билан
рўйхатга олиниб киритилган ўзгартиришлар билан)*

